

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**29-сон**  
**(997)**  
**2021 йил**  
**июль**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

428. «Фазовий маълумотлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 июлдаги ЎРҚ–702-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

429. «Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлигини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июлдаги ПФ–6264-сон Фармони

430. ««Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини тугатишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июлдаги ПҚ–5187-сон қарори

431. «Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўз-

- бекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июлдаги ПҚ–5188-сон қарори
432. «Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5189-сон қарори
433. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4060-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 июлдаги ПҚ–5190-сон қарори
434. «Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги ПҚ–5197-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

435. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 июлдаги 450-сон қарори
436. «Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июлдаги 458-сон қарори
437. «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июлдаги 459-сон қарори
438. «Иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 июлдаги 460-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

439. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 21 июндаги 01-02/15-35-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-6*)

440. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2021 йил 19 июлдаги 179-сон ва 41-сон «Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1989-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### 428 Фазовий маълумотлар тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2020 йил 26 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 29 майда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фазовий маълумотлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Фазовий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик

Фазовий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фазовий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**фазовий маълумотлар** — фазовий объектлар тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг жойлашган ери, шакли ва муайян шаклда ҳамда фазовий-вақт координаталари тизимларида тақдим этилган бошқа хоссалари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотлар;

**фазовий маълумотларга ишлов бериш** — фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни яратиш, йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, янгилаш, визуаллаштириш, улардан фойдаланиш, уларни тақдим этиш, тарқатиш ва узатиш бўйича бир ёки бир нечта ҳаракатлар йиғиндисини амалга ошириш;

**метамаълумотлар** — фазовий маълумотларнинг тўпламлари, сервислари ва бошқа хусусиятларини тавсифлаш имконини берадиган, уларни иден-

---

\* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 июлда эълон қилинган.

тификация қилиш, излаш, инвентаризациялаш ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган маълумотлар;

**Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопортали** — геоахборот ресурслари тўғрисидаги метамаълумотларни сақлаб турадиган ва улардан фойдаланишни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали таъминлайдиган фазовий маълумотларнинг интернет воситалари ва сервисларининг мажмуаси;

**фазовий маълумотлардан фойдаланувчи** (бундан буён матнда фойдаланувчи деб юритилади) — фазовий маълумотлардан фойдаланадиган жисмоний ёки юридик шахс;

**фазовий объектлар** — жойлашган ери белгиланган фазовий-вақт координаталари тизимида аниқланиши мумкин бўлган табиий ва сунъий объектлар.

#### **4-модда. Ушбу Қонуннинг асосий принциплари**

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

фазовий маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги;

базавий фазовий маълумотларнинг очиқлиги ва улардан фойдалана олиш;

фазовий маълумотлар ва метамаълумотларнинг ҳимояланганлиги.

#### **5-модда. Қонунийлик принципи**

Фазовий маълумотлар соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

#### **6-модда. Фазовий маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги принципи**

Фазовий маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги:

давлат геодезия, нивелир ва гравиметрия тармоқларини ишлаш ҳолатида сақлаб туриш;

давлат топографик хариталарини картографик мониторинг қилиш ва узлуксиз янгилаб бориш тизимини жорий этиш;

тартибга солинган координаталар тизимларидан ва мавжуд базавий фазовий маълумотлардан давлат ахборот ресурсларини ҳамда янги базавий фазовий маълумотларни яратишда фойдаланиш;

базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар ҳамда метамаълумотларнинг доимий мониторинги, илмий-техник экспертизаси ва назоратини амалга ошириш ҳисобидан таъминланади.

#### **7-модда. Базавий фазовий маълумотларнинг очиқлиги ва улардан фойдалана олиш принципи**

Базавий фазовий маълумотларнинг очиқлиги ва улардан фойдалана олиш:

базавий фазовий маълумотлар таркибида давлат сирларини ва қонун билан қўриқланидиган бошқа сирни, шунингдек фойдаланилиши қонунчиликка мувофиқ чекланган бошқа ахборотни ташкил этадиган маълумотларнинг мавжуд эмаслиги;

фойдаланувчиларга базавий фазовий маълумотлардан эркин фойдаланиш, шу жумладан умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоқлари, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали фойдаланиш имкониятини бериш ҳисобидан таъминланади.

### **8-модда. Фазовий маълумотлар ва метамаълумотларнинг ҳимояланганлиги принципи**

Фазовий маълумотлар ва метамаълумотларга ишлов бериш уларнинг ҳимояланганлиги юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Фазовий маълумотлар ва метамаълумотларни ҳимоя қилиш:

шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш; қонунчиликда белгиланидиган ҳолларда ушбу маълумотларнинг махфийлигини сақлаш;

уларнинг бузилиши ва сохталаштирилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади.

### **2-боб. Фазовий маълумотлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш**

#### **9-модда. Фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахсларнинг фазовий маълумотлар соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш;

базавий фазовий маълумотларнинг, улар метамаълумотларининг барча манфаатдор субъектлар учун очиклигини ва улардан фойдалана олишни таъминлаш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

#### **10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фазовий маълумотлар соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

фазовий маълумотлар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни тасдиқлайди;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибини тасдиқлайди;

оммавий фойдаланиш учун очиқ бўлган фазовий маълумотлар рўйхатларини белгилайди;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низомни ва унинг таркибини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **11-модда. Фазовий маълумотлар соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фазовий маълумотлар соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилди).

Махсус ваколатли давлат органи:

фазовий маълумотлар соҳасидаги ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахсларнинг фазовий маълумотлар ҳамда Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларнинг бажарилишини таъминлайди;

базавий фазовий маълумотларга ишлов беришни, Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталини яратишга ва унинг фаолият кўрсатишига доир ишларни амалга оширади;

илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва тажриба-технологик ишларни бажаради, фазовий маълумотлар соҳасида техник ва дастурий воситалар яратилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

фазовий маълумотларга ишлов бериш жараёнлари устидан давлат назоратини амалга оширади;

фазовий маълумотлар соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фазовий маълумотлар соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

фазовий маълумотлар соҳасидаги ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

махсус ваколатли давлат органи, шунингдек бошқа давлат органлари ва фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахслар билан ҳамкорликда қонунчиликка мувофиқ миллий хавфсизликни ҳамда давлат мудофаасини таъминлаш мақсадида фазовий маълумотларни яратишни, Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг техник ва дастурий воситаларини ишлаб чиқишни ташкил этади;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларда иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Давлат органларининг фазовий маълумотлар соҳасидаги ваколатлари**

Давлат органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

фазовий маълумотлар соҳасидаги ягона давлат сиёсатини шакллантиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва киритишда иштирок этади ҳамда унинг амалга оширилишини таъминлайди;

фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш билан боғлиқ ишларда иштирок этади;

махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорликда тегишли тармоқ учун соҳага оид фазовий маълумотлар ишлаб чиқилишини ҳамда тармоққа оид геоахборот ресурсларини ишлаб чиқишга ва Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталларини яратиш ҳамда сақлаб туришга доир ишларнинг бажарилишини ташкил этади;

базавий фазовий маълумотларнинг ва метамаълумотларнинг махсус ваколатли давлат органига тақдим этилишини таъминлайди;

соҳага оид очиқ фазовий маълумотлардан фойдаланилишини таъминлайди;

тегишли тармоқ ёки ҳудуд учун соҳага оид фазовий маълумотларга ишлов берилишини амалга оширади.

Давлат органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**3-боб. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси****14-модда. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг таърифи**

Ушбу Қонунда Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси деганда ташкилий тузилмани, илмий-техника сиёсатини, техник ва дастурий воситаларни, базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларни, метамаълумотларни ҳамда метамаълумотлар базаларини, фазовий маълумотлар сервисларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни, халқаро стандартларни, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган фазовий маълумотларни ишлаб чиқиш, янгилаш, уларга ишлов бериш ва уларни интеграциялаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартларини ўз ичига оладиган тизим тушунилади.

**15-модда. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартиби**

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартиби:

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг фазовий маълумотларига ва метамаълумотларига ишлов бериш тартибини;

махсус ваколатли давлат органининг фазовий маълумотлар соҳасидаги фаолияти тартибини;

фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахсларнинг махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорлик қилиш тартибини;

ишлов берилиши тегишли давлат органлари ҳамда фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахслар томонидан ташкил этиладиган базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар турларини;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси фазовий маълумотларининг, метамаълумотларининг, техник ва дастурий воситаларининг операциявий жиҳатдан мослигини таъминловчи талабларни;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантиришга доир ишларнинг ҳолати ҳақидаги ҳар йилги ҳисоботнинг тузилишини, мазмунини, уни тайёрлаш тартибини ва ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш муддатларини белгилайдиган қоидаларни ўз ичига олади.

**16-модда. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталлари тармоғи**

Махсус ваколатли давлат органи томонидан Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси таркибида Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталлари тармоғи яратилади ва унинг фазовий маълумотларнинг қуйидаги сервислари билан фаолият кўрсатиши таъминланади:

ахборот тармоқларидаги фазовий маълумотларни ва фазовий маълумотлар сервисларини аниқлашни таъминлайдиган қидирув;

фазовий маълумотларни, геофазовий объектларнинг хусусиятлари ва метамաълумотларнинг мазмуни тўғрисидаги ахборотни кўриб чиқиш;

фазовий маълумотларга ишлов бериш имкониятини ва (ёки) уларнинг кўчирма нусхаларини олишни таъминлашга доир фойдаланиш;

фазовий маълумотлар координаталарини бир координаталар тизимидан ёки картографик проекциядан бошқасига ўзгартиришни таъминлайдиган координаталар операциялари.

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталлари тармоғи Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталини ва давлат органларининг геопорталларини ўз ичига олади.

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталига ушбу Қонунга мувофиқ тақдим этиладиган базавий ва соҳага оид фазовий маълумотлар, метамաълумотлар жойлаштирилади.

Давлат органларининг геопорталларига давлат органлари томонидан тармоққа оид вазифаларни амалга ошириш учун яратилган соҳага оид фазовий маълумотлар ва метамաълумотлар жойлаштирилади.

#### **17-модда. Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантиришга доир фаолиятни мувофиқлаштириш**

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантиришга доир фаолиятнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш мақсадида махсус ваколатли давлат органи хузурида Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш (бундан буён матнда Мувофиқлаштирувчи кенгаш деб юритилади) ташкил этилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш юридик шахс мақомига эга бўлмаган коллегиял органдир.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фазовий маълумотлар соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда маслаҳат-кенгашув вазифасини амалга оширади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш давлат органлари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари-дан иборат бўлади.

#### **4-боб. Фазовий маълумотларга ишлов бериш**

#### **18-модда. Фазовий маълумотлар соҳасидаги ишларнинг турлари**

Фазовий маълумотлар соҳасидаги ишлар қуйидаги турларга бўлинади:

фазовий маълумотларни ва метамաълумотларни яратиш, йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, янгилаш, визуаллаштириш, улардан фойдаланиш, уларни тақдим этиш, тарқатиш ва узатиш;

турли мақсадларга мўлжалланган фазовий маълумотлар ва геоахборот тизимлари сервисларини ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этиш;

фазовий маълумотларга ишлов бериш учун фойдаланиладиган техник ва дастурий воситаларни яратиш;

геопорталларни яратиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш;

фазовий маълумотларнинг ва метамаълумотларнинг сифатини илмий-техник экспертизадан ўтказиш;

фазовий маълумотлар базаларини, метамаълумотлар базалари ва каталогларини, фазовий маълумотлар сервисларини, геоахборот тизимларини, геопорталларни, фазовий маълумотлар соҳасидаги бошқа техник ва дастурий воситаларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот, тажриба-технологик ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини бажариш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг фаолият кўрсатишини ҳамда ривожлантирилишини таъминлаш мақсадида бошқа маҳсулотни яратиш ва (ёки) бошқа ишларни бажариш.

Фазовий маълумотларга ишлов бериш Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун қабул қилинган координаталар тизимларида Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

### **19-модда. Базавий, соҳага оид фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар**

Фазовий маълумотлар базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларга бўлинади.

Ҳамма фойдалана оладиган, фазовий маълумотларга ишлов бериш жараёнлари учун бирхиллаштирилган рақамли координата-фазовий асосни ташкил этадиган фазовий маълумотлар базавий фазовий маълумотлардир.

Базавий фазовий маълумотлар қуйидаги объектлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади:

геодезия, нивелир ва гравиметрия тармоқларининг пунктлари;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси, маъмурий-худудий бирликларнинг чегаралари;

гидрографик объектлар ва гидротехника иншоотлари;

аҳоли пунктлари ва уларнинг кўча-йўл тармоғи;

саноат, қишлоқ хўжалиги объектлари ва ижтимоий-маданий объектлар;

бинолар ва иншоотлар;

автомобиль йўллари;

темир йўллар;

магистрал қувурлар;

муҳандислик коммуникациялари;

аэропортлар, дарё бандаргоҳлари;

ўсимлик қоплами ва тупроқлар;  
ер участкаларининг чегаралари;  
муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва маданий мерос объектлари;  
аҳоли пунктларининг чегаралари ва зоналаштириш объектлари, шунинг-  
дек шаҳар атрофидаги зоналар;  
муҳофаза этиладиган зоналар ҳамда ҳудудлардан фойдаланишнинг ало-  
ҳида шартларига эга бўлган зоналар;  
аҳоли пунктлари ҳудудидаги ва ундан ташқаридаги кўчаларнинг реестр-  
лари ҳамда объектларнинг манзиллари;  
географик объектларнинг номлари;  
жой рельефи;  
ортофотохариталар, аэро- ва космик суратлар ҳамда Ерни масофадан  
туриб зонд билан текширишга доир ишларнинг натижалари.

Базавий фазовий маълумотларда давлат сирларини ва қонун билан қўриқ-  
ланадиган бошқа сирни, шунингдек фойдаланилиши қонунчиликка мувофиқ  
чекланган бошқа ахборотни ташкил этадиган маълумотлар бўлмаслиги ке-  
рак.

Базавий фазовий маълумотлар асосида яратиладиган мавзуга оид фа-  
зовий маълумотлар соҳага оид фазовий маълумотлардир.

Базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларга, уларнинг таркиби ва  
мазмунига, уларнинг метамаълумотларига доир талаблар Фазовий маълумот-  
лар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига мувофиқ ҳамда бошқа  
ҳужжатларда белгиланади.

Метамаълумотлар фазовий маълумотлар ҳамда фазовий маълумотлар  
сервисларининг таркиби, тузилмаси, сифати, ишончлилиги, ҳудудий қамрови,  
вазифалари, улардан фойдаланиш, фойдаланишни чеклаш шартлари, фазо-  
вий маълумотларни ишлаб чиқарувчи, уларнинг яратилиш вақти, уларни  
янгилаш даврийлиги тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олади ҳамда бошқа  
ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Давлат органларининг буюртмасига кўра яратилган фазовий маълумот-  
лар давлат мулки ҳамда Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг  
таркибий қисмидир.

## **20-модда. Фазовий маълумотларни ва метамаълумотларни тақдим этиш**

Фазовий маълумотлар ва метамаълумотлар давлат органларига ўз ва-  
колатларини амалга ошириши учун — беғараз асосда, бошқа фойдаланув-  
чиларга эса — махсус ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон  
Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган  
миқдорлардаги ҳақ эвазига тақдим этилади.

Давлат органлари, фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга  
оширадиган шахслар Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини  
юритиш тартибига мувофиқ фазовий маълумотлардан ва метамаълумотлар-  
дан фойдаланишни чеклаши мумкин.

Базавий фазовий маълумотлар фойдаланувчиларга Фазовий маълумот-

лар миллий инфратузилмасининг геопортали сервисларидан, «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашган платформасидан фойдаланган ҳолда ёхуд Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига ҳамда махсус ваколатли давлат органи билан келишувга мувофиқ узатиш йўли билан тақдим этилиши мумкин.

Давлат органлари ва фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахслар ўзлари яратган ва янгиллаган базавий фазовий маълумотларни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиши шарт.

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига мувофиқ тегишли базавий фазовий маълумотларга ишлов бериш учун жавобгар бўлган давлат органлари базавий фазовий маълумотларни махсус ваколатли давлат органига:

фазовий маълумотларнинг сервисларидан фойдаланиш имкониятини бериш;

келишилган форматда ва сифатда фазовий маълумотларни узатиш йўли билан тақдим этади.

Махсус ваколатли давлат органи:

базавий фазовий маълумотларни, шунингдек метамаълумотларни қабул қилиб олиш ва назорат қилиш ҳамда уларни Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопорталига жойлаштиришни;

геоахборот тизимларида, ресурслар ва маълумотлар базаларида мавжуд бўлган, давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур ахборотни ва маълумотларни «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграциялашган платформасига тақдим этишни;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва жорий этишни;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг техник ва технологик таъминотини;

Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси маълумотларини сақлашни ва ҳимоя қилишни;

фазовий маълумотлар сервислари яратилишини ва уларга хизмат кўрсатилишини таъминлашни;

фойдаланувчиларнинг Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмаси геопорталига жойлаштирилган фазовий маълумотлар ва метамаълумотлардан фойдаланишини таъминлашни амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи фазовий маълумотлар мулкдорининг ёки эгасининг розилиги билан:

қоғоздаги фазовий маълумотларни электрон шаклга ўзгартиришни амалга оширади;

фазовий маълумотларга, шу жумладан базавий ва соҳага оид фазовий маълумотларга ҳамда уларнинг метамаълумотларига ишлов беришни амалга оширади;

фойдаланувчиларга базавий фазовий маълумотларни ва метамаълумотларни Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини юритиш тартибига мувофиқ тақдим этади.

Давлат органлари, шунингдек фазовий маълумотларга ишлов беришни амалга оширадиган шахслар:

фазовий маълумотларга ва метамаълумотларга ишлов берилишини таъминлайди;

ўз ваколатларини амалга ошириш учун фазовий маълумотлардан ва метамаълумотлардан фойдаланади;

фазовий маълумотларнинг ва метамаълумотларнинг қонунийлигини, аниқлиги, ишончлилиги ва ҳимояланганлигини, шунингдек базавий фазовий маълумотларнинг очиклигини ҳамда улардан фойдалана олишни таъминлайди;

фазовий маълумотларнинг ва метамаълумотларнинг махсус ваколатли давлат органига тақдим этилишини таъминлайди;

ўз фазовий маълумотлари ва метамаълумотларидан махсус ваколатли давлат органининг фойдаланишини таъминлайди;

ўз расмий веб-сайтларига Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасининг геопортали орқали фазовий маълумотлардан фойдаланиш шартлари ҳақидаги ахборотни жойлаштиради.

## **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

### **21-модда. Низоларни ҳал этиш**

Фазовий маълумотлар соҳасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **22-модда. Фазовий маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик**

Фазовий маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### **23-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

### **24-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**25-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 23 июль,  
ЎРҚ-702-сон

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****429 Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш  
агентлигини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғри-  
сида\***

Мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш бўйича ёндашувларни такомиллаштириш, ҳудудлар ва тармоқларнинг жадал ривожланишини таъминлаш учун уларнинг инвестициявий жозибadorлиги ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

тармоқлар ва ҳудудлар кесимида инвестицияларни жалб этиш ва лойиҳаларни амалга оширишнинг стратегик масалаларини ўрганиш, инвестиция фаолиятининг истиқболли тармоқлари ва йўналишларини аниқлаш;

мамлакатда инвестиция муҳитини ва ташқи савдо фаолиятини такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш, ҳудудлар ва тармоқларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатнинг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш мақсадида халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

халқаро методлардан фойдаланган ҳамда мунтазам сўровлар ўтказган ҳолда иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларнинг инвестициявий жозибadorлиги рейтингини шакллантириш ва доимий юритиш, шу асосда давлат органларининг инвестиция муҳитини яхшилаш, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши котибияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчисининг лойиҳа офиси ишини ташкил этиш;

инвесторларни ахборот билан қўллаб-қувватлаш, йирик стратегик муҳим ва юқори самарадор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ташаббуси билан чиқиш, шунингдек, уларни янада қўллаб-қувватлашни ташкил этиш;

ҳудудлар ва тармоқларнинг инвестициявий жозибadorлиги ва экспорт

---

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 июлда эълон қилинган.

салоҳиятини янада ошириш стратегияси ва сиёсатини белгилаш, эркин иқтисодий зоналардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ислоҳ қилиш, шунингдек, ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятини ошириш бўйича стратегик вазифаларни амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ва экспертларни жалб қилиш;

иқтисодиёт тармоқларини ислоҳ қилишнинг муҳим тизимли муаммоларини ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида давлат органлари, халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа манфаатдор томонларнинг самарали ҳамкорлиги учун эксперт майдончаларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасида инвестиция форумларини ўтказишни ташкиллаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, шу жумладан, эксперт-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш ва уларни ўтказиш якунлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

қўшилган қиймат занжирларини, шу жумладан, қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш асосида интеграция қилиш имкониятларини яратиш учун минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ташаббуси билан чиқиш;

ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича ислохотларни амалга ошириш самарадорлигини манзилли мониторинг қилиш, уларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

хорижий ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий муносабатлар ва инвестициявий ҳамкорлик масалаларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

давлат органларида маъмурий тартиб-таомилларни таҳлил қилиш ва иқтисодий ислохотларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилувчи бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш соҳасидаги стратегик ташаббусларни амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлигининг Кенгаши 1-иловага\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентликнинг Кенгаши:

Агентлик фаолиятининг устувор йўналишларини, самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини, унинг фаолияти билан боғлиқ бошқа қарорларни;

Агентлик томонидан улар олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар, «йўл хариталари» ва дастурларни;

харажатлар сметасини, Агентлик ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек Агентлик ҳамда у томонидан ташкил этиладиган лойиҳа офислари фаолиятини молиялаштириш манбаларини тасдиқлайди.

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Белгилаб қўйилсинки, Кенгаш мажлисларида қабул қилинган қарорлар барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган баённомалар билан расмийлаштирилади.

4. Қўйидагилар:

бошқарув ходимларининг чекланган сони 50 та штат бирлигидан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлигининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлигининг Кенгаши тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Агентлик ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган бюджетдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин, уни шакллантириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

республика бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ва имтиёзли кредитлари маблағлари;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой муддатда Жамғармага Агентлик харажатларини қоплаш учун 30 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ўтказсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари Агентлик томонидан моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, шартнома асосида жалб қилинадиган юқори малакали, шу жумладан, хорижий мутахассисларнинг харажатларини (меҳнатга ҳақ тўлаш, транспорт харажатлари ва бошқалар) молиялаштириш, ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирлар, шу жумладан чет элда ўтказиладиган тадбирларни ташкил қилиш ва иштирок этиш ҳамда Агентлик олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа тадбирларга сарфланади.

7. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинландиган ва лавозимидан озод этиладиган бош директор томонидан бошқарилади;

ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси, шунингдек, бошқа вазирлик, идоралар ва таҳлил марказлари билан яқин ҳамкорликда амалга оширади;

лойиҳа офислари ва эксперт гуруҳларни, шу жумладан, давлат бош-

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қаруви самарадорлигини ошириш ва мамлакатнинг ижобий имижини мустаҳкамлаш стратегия ва дастурларини амалга ошириш бўйича ташкил этади ва улар ишини ташкиллаштиради;

маҳаллий ва хорижий олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда оммавий ахборот воситаларида, конференцияларда, давра суҳбатларида ва семинарларда стратегик ташаббусларнинг очиқ муҳокамасини ташкил этади;

инвестиция муҳитини яхшилаш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш соҳасида стратегик ташаббусларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар, хорижий таҳлил марказлари ва экспертлар билан ҳамкорлик қилади.

#### 8. Агентликка:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи илмий, тадқиқот ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини ҳамда экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий ёки чет эл валютасида, шу жумладан, маблағларни уларнинг хориждаги ҳисобварақларига ўтказиш орқали тўлаш;

хорижий давлатларнинг тегишли идоралари, халқаро ташкилотлар ва хорижий юридик шахслар билан халқаро шартномалар ва битимлар тузиш;

ўз ваколатлари доирасида маслаҳат-кенгаш органлари ва эксперт комиссияларини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

9. Давлат органлари ва ташкилотларининг ресурсларини сафарбар этган ҳолда инвестициявий фаолликни ошириш соҳасидаги энг долзарб муаммоларни тезкор ва самарали ҳал этиш мақсадида Агентлик ҳузурида Стратегик ташаббуслар акселератори (кейинги ўринларда — Акселератор) ташкил этилсин.

#### Белгилаб қўйилсинки:

Акселератор доирасида кўриб чиқиладиган масалалар ва муаммолар рўйхати Агентлик томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар, оммавий ахборот воситаларидаги таҳлилий материаллар, ахборотларни ўрганиш, шунингдек, давлат органларининг таклифлари асосида шакллантирилади;

Акселератор доирасидаги масалалар ҳар бир йўналиш бўйича Агентлик бош директори ёки унинг ўринбосарлари бошчилигида Агентлик, соҳага алоқадор вазирлик ва идоралар ходимларидан иборат ишчи гуруҳларни ташкил этган ҳолда ҳал қилинади;

Акселератор иши Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бўлинмалари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилади;

Акселератор иши яқунлари бўйича шакллантирилган таклифлар Агентликнинг Кенгаши муҳокамасига бир вақтнинг ўзида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари билан бирга киритилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий

ахборот воситаларида Агентлик тадқиқотлари натижаларини эълон қилиш ва муҳокама қилишни ташкил этишга кўмаклашсин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик юридик шахс ҳуқуқига эга давлат муассасаси ҳисобланади;

Давлат бюджети маблағлари, Жамғарма маблағлари, Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, вақтинча бўш маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Агентлик даромадлари солиққа солиш объекти ҳисобланмайди;

Агентлик фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Агентлик билан келишилиши лозим;

давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Агентликнинг сўровига кўра тегишли маълумотларни, шу жумладан, бирламчи статистик маълумотларни ўрнатилган тартибда тақдим этади ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга рухсат беради.

12. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик бош директори уч нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик бош директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, бош директор ўринбосарлари эса вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик ходимларига Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари, бюджет маблағлари ҳисобидан иш ҳақи миқдорлари, тиббий хизмат ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Агентлик бош директори Акселератор раҳбари ҳисобланади;

Агентлик ходимларига илгари ишлаган жойида берилган, шу жумладан, кўп йиллик меҳнати, ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба ва малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун устамалар ва қўшимча ҳақлар сақланиб қолади, ҳарбий ва махсус унвонларга эга бўлмаган олий юридик маълумотли ходимлар учун эса ўрнатилган тартибда адлия органлари ва муассасалари ходимлари учун белгиланган мартаба даражалари берилиши мумкин;

Агентлик бош директори Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимларига шахсий устамалар, бир марталик мукофотларни белгилаш ҳуқуқига эга.

13. Вазирлар Маҳкамаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Агентликни жойлаштириш чораларини кўрсин.

14. Молия вазирлиги:

Агентлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шу

жумладан, биноларни таъмирлаш, мебель ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозлаш учун ўрнатилган тартибда маблағлар ажратиш чораларини кўрсин;

2021 йил июлдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджети параметрларида алоҳида модда билан Агентлик фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

15. Агентлик Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда Агентлик Кенгашига Агентлик ва Жамғарма тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш учун киритсин;

икки ой муддатда Агентликнинг зарур назарий билим ва амалий тажрибага эга бўлган, Агентликка юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошира оладиган юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

16. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни белгиланган тартибда зарур телефон алоқаси, шу жумладан, ҳукумат алоқаси, Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти билан таъминласин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 19 июль,  
ПФ-6264-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 19 июлдаги  
ПФ-6264-сон Фармонида  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожлантириш  
агентлиги Кенгаши тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлиги Кенгашининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиш тартибини, шунингдек, унинг ваколатларини (кейинги ўринларда — Кенгаш) белгилайди.

2. Кенгаш юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) коллегиял бошқарув органи ҳисобланади ва унга Раис — Ўзбекистон Республикаси Президенти раислик қилади.

3. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

4. Кенгашнинг таркибини тасдиқлаш, қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

5. Кенгаш мажлисларида қабул қилинган қарорлар барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган баённомалар билан расмийлаштирилади.

6. Кенгаш фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш Агентлик томонидан амалга оширилади.

## **2-боб. Кенгашнинг ваколатлари**

7. Кенгаш Агентлик тақдимномасига кўра, қуйидагиларни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади:

мамлакат рақобатбардошлигини янада ошириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича стратегик қарорлар лойиҳалари;

ҳудудлар ва тармоқларнинг инвестиция ва экспорт салоҳиятини янада ошириш стратегияси ва сиёсати, инвестицияларни жалб қилишнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ислоҳ қилиш, шунингдек, ҳудудларнинг инвестиция салоҳиятини ошириш бўйича стратегик вазифаларни амалга ошириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва хорижий компаниялар билан ҳамкорлик дастурлари;

Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат занжирларини интеграция қилиш имкониятларини яратиш учун минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларида инвестиция форумларини ўтказишни ташкил қилиш;

Агентлик олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалалар.

8. Кенгаш қуйидагиларни тасдиқлаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга:

Стратегик ривожланиш агентлигининг бюджетдан ташқари қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги Низом;

Агентлик фаолиятининг устувор йўналишлари, самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (KPI), унинг фаолияти билан боғлиқ бошқа қарорлар;

Агентлик томонидан ишлаб чиқилган таклифлар, шу жумладан, лойиҳа офисларини ташкил этиш;

харажатлар сметаси, Агентлик бошқарув ходимларининг штатлар сони, шунингдек, Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбаларини;

Агентлик дастурлари ва ташаббусларини амалга ошириш учун яратиладиган лойиҳа офисларининг таркиби, уларнинг молиялаштириш манбалари.

9. Кенгаш томонидан Агентлик фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар кўриб чиқилиши мумкин.

10. Кенгашнинг ваколати доирасига кирувчи соҳавий масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида Кенгаш ҳузурида маслаҳат ва кенгаш кўмиталари тузилиши мумкин. Мазкур органларни шакллантириш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақидаги қарор Кенгаш томонидан қабул қилинади.

### **3-боб. Кенгаш фаолиятининг тартиби**

11. Кенгашнинг мажлислари Кенгаш раиси ёки Кенгаш раисининг топшириғига кўра унинг ўринбосарларидан бири бошчилигида камида чоракда бир маротаба чақирилади ва юзма-юз ўтказилади.

Агар объектив сабабларга кўра, мажлис юзма-юз ўтказилмаса, у видео-конференцалоқа шаклида, шунингдек, реал вақт режимда алоқа қилиш имконини берувчи техник алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин.

Кенгашнинг шахсан қатнашиш шаклидаги мажлислари, агар уларнинг ярмидан кўп аъзолари иштирокида бўлса, ваколатли ҳисобланади.

12. Кенгашга кўриб чиқиш учун тақдим этилган масалалар бўйича материаллар Агентлик Бош директори томонидан тайёрланади ва тақдим этилади.

13. Материаллар тўплами қуйидагилардан иборат:

Кенгаш мажлисининг кун тартиби;

муҳокама учун таклиф этилган масалалар рўйхати;

Кенгаш мажлисининг якуний баённома лойиҳаси;

кун тартибидаги масалалар бўйича ахборот материаллари ва ҳужжатлар.

14. Кенгаш йиғилиши учун материаллар Кенгаш мажлисига тайёргарлик кўриш вақтида Агентликнинг амалдаги иш юритиш тартибига мувофиқ расмийлаштирилади.

15. Кенгаш мажлисларидаги қарорлар қатнашувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кенгаш йиғилишларида Кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.

16. Кенгаш раиси Кенгаш мажлислари доирасида қарор қабул қилиш бўйича ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга.

17. Кенгаш мажлисининг баённомаси Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

18. Кенгаш мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

Кенгаш мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва жойи;

мажлисда иштирок этган шахслар;

мажлис кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар.

19. Баённома имзоланган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида Агент-

лик тасдиқланган баённома нусхаларини Кенгаш аъзоларига, давлат органлари ва ташкилотларига ижро учун юборди.

20. Агентлик Кенгаш мажлисининг баённомаси билан тасдиқланган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади.

#### 4-боб. Яқуний қоидалар

21. Ушбу Низомда назарда тутилмаган барча масалалар амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Кенгашнинг алоҳида қарорлари билан тартибга солинади.

22. Ушбу Низом қоидаларни бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **430 «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини тугатишга доир чора-тадбирлар тўғрисида\***

Вазирлик ва идоралар фаолиятининг уларга юклатилган вазифалар ва ваколатларни амалга ошириш юзасидан самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик Жамғарманинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича вориси ҳисобланади.

3. «Universal Mobile Systems» масъулияти чекланган жамияти устав капиталидаги 100 фоиз давлат улуши бўйича иштирокчи ҳуқуқи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Агентлик манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 июлда эълон қилинган.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 19 июль,  
ПҚ-5187-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 19 июлдаги  
ПҚ-5187-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3927-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4022-сон қарори 1 — 3, 5 ва 8-бандлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4301-сон қарорига 2-илованинг 38-позицияси.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги «Рақамли иқтисодиёт ва «Электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4321-сон қарори 2-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги «Электрон ҳукумат» тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4328-сон қарори 1, 4, 6 ва 7-бандлари.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 январдаги «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 31-сон қарори.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 августдаги «Жиззах вилоятида

гольф индустриясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 721-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 2 октябрдаги «Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида замонавий тиббиёт кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 838-сон қарори.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **431 Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш тизимини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини давом эттириши учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

#### 1. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги — Президент таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) этиб;

Агентлик ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси — Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта номлансин.

2. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

Васийлик кенгаши 10 кун муддатда Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини белгиласин.

3. Агентликнинг 2021 — 2025 йилларда Агентлик тизимида 13 та янги ихтисослаштирилган мактабни қуриш ва мавжуд 5 та ижод мактабини таъмирлаш, уларни зарур ўқув адабиётлари ва моддий-техника воситалари билан жиҳозлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

#### 4. Қўйидагилар:

Агентлик тизимидаги мактабларни қуриш, таъмирлаш ҳамда зарур мебель жиҳозлари, ўқув адабиётлари ва моддий-техника воситалари билан

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 июлда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таъминлаш бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган манзилли рўйхат (кейинги ўринларда — Манзилли рўйхат) 2-иловага\* мувофиқ;

Агентлик тизимидаги ижод мактаблари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, 2021 — 2025 йилларда Агентлик тизимидаги мактабларни:

қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш — Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан;

замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер, мультимедиа ҳамда видео-кузатув воситалари билан таъминлаш — Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратиладиган маблағлар, Давлат бюджети маблағлари, халқаро молия институтларининг кредитлари ва грантлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Манзилли рўйхатга мувофиқ амалга ошириладиган қурилиш ишларига буюртмачи ташкилотлар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари белгилансин.

#### 6. Қўйидагилар:

Агентлик уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга Агентлик тизимидаги таълим муассасаларини замонавий мебель ва жиҳозлар, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув-услубий материаллар, компьютер, мультимедиа ҳамда видео-кузатув воситалари билан жиҳозлашнинг янги меъёрларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қурилиш вазирлиги объектлар лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши бўйича давлат назоратини ўрнатсин.

#### 7. Агентлик 2021 йил 1 сентябрга қадар:

халқаро (International Advanced Levels) дастурлар талабларига мувофиқ ўқувчи ва педагог кадрларнинг STEAM фанлари бўйича билим ва кўникмаларни баҳолаш ҳамда уларга халқаро даражадаги AS ва A-LEVEL сертификатларини бериш амалиётини йўлга қўйиш;

Агентлик тизимидаги мактабларни А. Навоий номидаги Миллий кутубхонанинг электрон ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига улаш, ўқувчиларга мазкур кутубхоналардан кенг фойдаланишга имконият яратиш;

Агентлик тизимидаги мактаблар ўқувчиларини лидерлик, тизимли таҳлил қилиш, креатив ва танқидий фикрлаш, нотиклик санъати, лойиҳаларни бошқариш кўникмаларига ўргатиш;

Президент мактабларида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, уларга кейинчалик ўқишини давом эттириш учун олий таълим муассасаларини

---

\* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

танлашда кўмаклашишга қаратилган «Мактаб маслаҳатчиси» (School Counsellor) дастурини жорий этиш;

малакали мутахассислар, менторлар (устозлар), экспертлар ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларни жалб этган ҳолда Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактабларда алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар учун инклюзив ИТ таълимни жорий қилиш;

Агентлик тизимидаги ижод мактабларида ўқувчиларнинг чет эл адабиётларини ўзбек тилига таржима қилиш кўникмасини шакллантириш учун «Ёш таржимонлар тўғараги»ни ташкил этиш;

Агентлик тизимидаги ижод мактабларида веб-дизайн, компьютер графикаси, тасвирий ва рақамли санъат, аудиовизуал асарларни яратиш ва қайта ишлаш ҳамда актёрлик маҳорати йўналишлари бўйича ихтисослаштирилган тўғаракларни очиш;

Ўзбекистон халқ шоирлари, Халқ ёзувчилари, юксак унвонларга сазовор бўлган адиблар, актёрлар, режиссёрлар ҳамда бошқа маданият ва санъат вакиллари Агентлик тизимидаги ижод мактабларига бириктириш, улар иштирокида маҳорат дарсларини ўтказиш ҳамда мазкур мактабларда «устоз-шогирд» анъаналари асосида таълим-тарбия сифатини ошириш чораларини кўрсин.

8. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битирувчиларига тўлов-контракт суммасини қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўланади;

б) қуйидагиларга тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз ўқишга кириш ҳуқуқи берилади:

Президент мактаблари битирувчиларига давлат олий таълим ташкилотларига умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча давлат гранти асосида;

Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактабларнинг битирувчиларига ихтисослик йўналишидан келиб чиқиб, давлат олий таълим ташкилотларининг кимё, биология, физика ва ахборот технологиялари соҳалари учун кадрлар тайёрлайдиган бакалавриат таълим йўналишларига умумий белгиланган қабул параметрларидан ташқари базавий тўлов-контракт асосида;

Агентлик тизимидаги ижод мактабларининг битирувчиларига ихтисослик йўналишидан келиб чиқиб, давлат олий таълим ташкилотларининг тилшунослик, адабиёт, педагогика, таржимонлик, журналистика соҳалари учун кадрлар тайёрлайдиган бакалавриат таълим йўналишларига умумий белгиланган қабул параметрларидан ташқари базавий тўлов-контракт асосида;

в) Халқаро (International Advanced Levels) дастурларнинг А ва В даражадаги A-LEVEL сертификатларига эга бўлган абитуриентлар давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга киришда сертификат берилган фан бўйича кириш имтиҳонидан озод этилади ҳамда уларга мазкур фандан максимал балл берилади.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Агентлик билан биргаликда 2021 йил 1 августга қадар кимё, биология, физика, ахборот технологиялари, тилшунослик, адабиёт, педагогика, таржимонлик, журналистика соҳалари учун кадрлар тайёрлайдиган бакалавриат таълим йўналишлари рўйхатини тасдиқласин ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилсин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

Агентлик тизимидаги мактабларга раҳбар ва педагог кадрларни ишга қабул қилиш очиқ танлов асосида амалга оширилади;

Агентлик тизимидаги мактаблар тўғарак раҳбарларининг базавий тариф ставкаси миқдори давлат умумий ўрта таълим муассасалари олий маълумотли ўқитувчиси базавий тариф ставкасининг 80 фоизи миқдорида белгиланади;

Агентлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактабларга қабул бир синфда ўқувчиларнинг энг кўп сони 20 нафардан ошмаслигини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

11. Агентлик ҳузурида юридик шахс мақомидаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази ташкил этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш марказини ташкил этишга оид Ҳукумат қарорини қабул қилсин ҳамда унинг фаолиятини лозим даражада йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

12. Агентлик 2022 йил 1 январга қадар:

а) Агентлик ҳузурида Илмий-методик кенгашни ташкил қилсин ҳамда унинг фаолиятига малакали олимлар ҳамда педагог кадрларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилсин;

б) Илмий-методик кенгаш билан биргаликда:

халқаро таълим стандартлари ва талаблари, илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида раҳбар ва педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин;

раҳбар ва педагог кадрлар учун узлуксиз малака ошириш курслари ҳамда методологик ўқув семинарларини ташкил қилсин;

раҳбар ва педагог кадрларнинг малака ошириш жараёнларини мониторинг қилиш, уларнинг касбий ривожланиш натижалари ва ўзлаштирган ўқув дастурлари тўғрисидаги маълумотлар киритилишини таъминловчи махсус электрон платформани ишлаб чиқсин ва лозим даражада ишлашини таъминласин.

13. «Ўзметкомбинат» АЖнинг Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманида жойлашган мазкур жамиятга қарашли «Ёшлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳини Агентлик тасарруфига беғараз ўтказиш ҳамда келгуси 10 йил давомида унинг фаолиятини юритиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатларни «Ўзметкомбинат» АЖ томонидан ажратиладиган ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Агентлик «Ўзметкомбинат» АЖ билан келишган ҳолда бир ой муддатда «Ёшлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳи фаолиятини ташкил этиш ҳамда болаларни оромгоҳга жалб қилиш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Қуйидагилар:

Президент таълим муассасалари агентлигининг ташкилий тузилмаси 4-иловага\* мувофиқ;

Президент таълим муассасалари агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 5-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентликнинг қўшимча штат бирликлари сони Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 17 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

15. Агентликка қуйидаги қўшимча ваколатлар берилсин:

Агентлик тизимидаги таълим муассасалари учун ихтисослик фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг ягона макетларини тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш, тақриз бериш ҳамда экспертлар ва тақризчиларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатларни Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириш;

дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг тузувчиларини танлаш, экспертизадан ўтказиш ва чоп этишни тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга ошириш.

16. Белгилансинки, Агентлик ва унинг тизимидаги таълим муассасалари учун хорижий давлатлардан олиб келинадиган адабиётлар, мультимедиа воситалари, ўқув-лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналар ва реактив маҳсулотлар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилади.

17. Агентлик Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчасидаги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига қарашли IT-парк биносида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

18. Агентлик:

2023 йил 1 январга қадар Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳар бир ҳудуддаги Президент мактабларини биттадан автобус, Агентлик тизимидаги таълим муассасаларини биттадан енгил автомобиль билан таъминлаш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 19 июль,  
ПҚ-5188-сон

---

\* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**432 Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида\***

Сўнги беш йилда республикада вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, уларнинг вазифалари, ваколатлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқ белгилаш бўйича кенг қўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бир қаторда, тармоқлар ва ҳудудларда ишларнинг ҳаққоний ҳолатини чуқур ҳамда ҳар томонлама танқидий ўрганиш вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари зиммасига юкланган функционал вазифаларни лозим даражада ҳамда масъулият билан бажариш борасидаги шахсий жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ бир қатор жиддий камчиликлар ва тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатади.

Мамлакатимиз тараққиётининг замонавий босқичида янги Ўзбекистонни барпо этиш учун амалга оширилаётган шиддатли ва кенг қўламли илоҳотлар жараёнида мамлакатимиз олдида турган устувор, стратегик ва долзарб вазифаларни тезкор ҳал қилишда вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, вазифалари ва ваколатларини аниқ белгилаш, шунингдек, уларнинг фаолияти самарадорлиги ҳамда мақсадли вазифаларга эришилишининг асосий мезонлари орқали баҳолашнинг янги тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг эътибори уларга Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан ҳамда ўзларининг биринчи раҳбарлари томонидан юклатилган вазифаларни бажаришда сусткашликка, сансалорликка йўл қўйиб бўлмаслигига қаратилсин.

2. Белгилансинки, вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари (кейинги ўринларда — давлат бошқаруви органлари) ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгардир ҳамда Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдордир.

3. Қўйидагиларни назарда тутувчи давлат бошқаруви органлари ва

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 июлда эълон қилинган.

хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолиятини баҳолаш тизими жорий этилсин:

давлат бошқаруви органлари ва давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик бирлашмалари (кейинги ўринларда — хўжалик бирлашмалари) раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади;

ҳар йили ижро интизомининг аҳволи юзасидан баҳо беришни назарда тутган ҳолда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичлари давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг коллегиял органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари статистик ва идоравий ҳисоботлар ҳамда таҳлилий маълумотлар асосида тизимли мониторинг қилинади;

мониторинг натижалари асосида раҳбарлар ўринбосарларининг фаолияти танқидий таҳлил асосида тегишли давлат бошқарув органлари коллегиял органи ва хўжалик бирлашмаларининг кузатув кенгашларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ҳар чорак якуни бўйича муҳокама қилиб борилади;

баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари асосида ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига баҳо бериш орқали уларга рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади.

Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини тасдиқласин;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси бўйича ҳар ой оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, теле ва радио каналлар орқали ахборот берилишини ташкил этсин.

4. Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш тизими доирасида:

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичлари ҳар йил якуни бўйича кейинги йилнинг 10 январига қадар белгиланган тартибда тасдиқланган баҳолашнинг асосий мезонларига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг коллегиял органлари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда тасдиқланади;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолияти ҳар чорак якуни бўйича коллегиял орган йиғилишида танқидий муҳокама қилинади ҳамда баҳоланади. Бунда, раҳбар

Ўринбосарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси 70 фоиздан кам таъминланганда — «қониқарсиз», 71 фоиздан 90 фоизгача — «қониқарли», 91 фоиздан 99 фоизгача — «якши» ҳамда 100 фоиз ва ундан юқори бўлганда «аъло» деб баҳоланади;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг коллегиял органлари томонидан раҳбарнинг тегишли ўринбосарлари масъулияти юзасидан таклифлар тайёрланади ҳамда таҳлилий материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига киритилади;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари тақдим этилган таҳлилий материалларни тегишли раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиб, ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига шахсий баҳо берган ҳолда уларни рағбатлантириш чораларини ёки ўзига бириктирилган соҳа ва тармоқларда асосий кўрсаткичларга эришишда масъулиятсизликка йўл қўйгани учун лавозимга лойиқлиги масаласини кўриб чиқади ҳамда бу тўғрисида аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ҳисобот беради;

ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш натижалари бўйича якуний таҳлилий материаллар, шу жумладан, уларни рағбатлантириш ёки интизомий чоралар қўллаш юзасидан аниқ таклифлар умумлаштирилиб, кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юборилади. Бунда заруратга кўра, ўз фаолиятида тизимли камчиликларга йўл қўйиб келаётган раҳбар ўринбосарлари лавозимини қисқартирган ҳолда уларга юкланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича тегишли департамент фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар киритилиши мумкин.

5. Раҳбарлар ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичлари ижроси устидан мониторингни амалга оширишда асосий эътибор қуйидаги тизимли ва устувор масалаларга қаратилсин:

а) иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида:

макроиқтисодий барқарорликни, барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш ва диверсификациялаш, шунингдек, «хуфиёна» иқтисодиётга қарши курашиш ҳамда унинг улушини кескин қисқартириш;

янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг даромад топишга қаратилган тадбиркорлик интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ишбилармонлик муҳитини ва бизнес юритиш шарт-шароитларни янада яхшилаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш ҳамда «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини изчил амалга ошириш;

инвестиция муҳитини яхшилаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, ажратилган капитал қўйилмаларни самарали ўзлаштириш ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлашда хизматлар соҳасини муҳим драйверга айлантириш;

саноатда экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши, импортни қисқартириш ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали маҳсулот таннаرخини камайтириш;

қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, шу жумладан, кластерлар фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигига замонавий, инновацион агротехнологияларни фаол киритиш;

инновацион ишланмалар ва рақамли технологияларни жорий қилиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш;

б) ижтимоий соҳада:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббусни ҳудудларда тўлақонли жорий этиш;

таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш;

давлат-хусусий шериклик шаклидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш ҳамда ушбу соҳага хусусий секторни кенгроқ жалб этиш орқали мактабгача таълим қамровини ошириш;

соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш;

пенсияларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ва спорт инфратузилмасини такомиллаштириш;

«Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ҳар бир шахс билан индивидуал ва тизимли равишда мунтазам иш олиб боришни ташкил қилиш орқали аҳолининг, айниқса, моддий ёрдам ва қўмакка муҳтож оилалар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг реал даромадларини ошириш;

ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига қўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш;

туризмни жадал ривожлантириш, ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар оқимини кўпайтириш, янги туризм маҳсулотларини яратиш, туризм инфратузилмаси ва транспорт логистикани кенгайтириш;

ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни ташкил этиш;

в) капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик соҳаларида:

аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш ва уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш;

капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси соҳасини жадал ривожлантириш, ижтимоий соҳа, уй-жой ва инфратузилма объектларининг сифатли қурилишини таъминлаш;

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда орқада қолаётган қишлоқ туманлари ва шаҳарларни комплекс ва жадал ривожлантириш;

аҳолининг сифатли коммунал хизматлар билан қамраб олинишини тубдан яхшилаш, кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув, ички хўжалик йўллари ва бошқа коммуникация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

г) ишни режалаштириш ва «темир интизом»га асосланган қатъий ижро интизомини таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6166-сон Фармонига асосан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг барвақт ва сифатли ижросини таъминлаш, «темир интизом»га асосланган ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз «технологик занжир»нинг янги таъсирчан тизимини жорий этиш;

худудларда «маҳаллабай» ишлаш тизимини жорий этиш орқали маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш, аҳоли ва тадбиркорларнинг муаммоларини аниқлаш ҳамда уларни самарали ҳал этиш;

давлат органларида фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали улар фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш;

давлат ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини, олий ва юқори даражалардаги ташрифлар якунлари бўйича «йўл хариталари», худудларда иқтисодий, ижтимоий ва маъмурий ислохотларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;

аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик ва тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил қилиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқишни таъминлаш;

хизмат сафарлари, шу жумладан, хорижий давлатларга сафарлар самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш.

б. Вазириликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўз ваколатига киритилган тегишли йўналишлар ва масалалар бўйича давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан стратегик ва устувор вазифалар, тасдиқланган «йўл хариталари» ҳамда ўрта ва узоқ истиқболга мўлжалланган дастурларнинг самарали амалга оширилишида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун таъсирчан чоралар кўради;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари томонидан уларнинг ўринбосарлари фаолият кўрсаткичларини баҳолашнинг асосий мезонларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда уларнинг ойлик шахсий иш режалари тасдиқлаб борилади.

8. Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларига раҳбар ўринбосарининг фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда уларнинг фаолиятига баҳо бериб бориш тизимини жорий этиш тавсия этилсин.

9. Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари бир ой муддатда белгиланган тартибда тасдиқланган баҳолашнинг асосий мезонларидан келиб чиқиб, 2021 йил II ярим йиллиги учун давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини тасдиқласин.

10. Мазкур қарор билан жорий этилаётган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тизими 2021 йил якунига қадар эксперимент тарзида амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги 2022 йил 15 январга қадар давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш жараёнларини пухта таҳлил қилган ҳолда ушбу қарор билан жорий этилган тизимни янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифларни киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ўтказилган эксперимент якунларига кўра 2022 йил 1 февралга қадар давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил этишда юзага келган муаммолар ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, мазкур тизим самарадорлигини ошириш мақсадида уни такомиллаштириш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда ҳар йили мунтазам равишда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил этсин;

Ташқи ишлар вазирлиги, «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларини чет давлатларга ўз йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқиш ва тажриба орттиришга юбориш бўйича комплекс чораларни кўрсин.

13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда вазирликлар ва идоралар раҳбарияти фаолиятининг кўрсаткичларини баҳолашда инсон омилини камайтириш мақсадида асосий кўрсаткичлар бўйича маълумотларни автоматик тарзда таҳлил қилиш орқали мавжуд ҳолатни аниқлаш имконини берувчи махсус электрон платформани ишга туширсин.

14. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг ҳар бир ўринбосари ваколатларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг функционал вазифаларига ваколат ва жавобгарлик чегарасини аниқ белгилаш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга ҳамда раҳбар ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг жорий этилишига масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 октябрь ва 2022 йил 15 январга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 22 июль,  
ПҚ-5189-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 22 июлдаги  
ПҚ-5189-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг  
бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари  
ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб  
чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини  
баҳолаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳамда давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик бирлашмалари (кейинги ўринларда — давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари) раҳбарлари ўринбосарларининг (кейинги ўринларда — раҳбар ўринбосарлари) функционал вазифалари асосида уларнинг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда уларга баҳо бериш тартибини белгилайди.

2. Раҳбар ўринбосарлари ўзига бириктирилган тармоқ ва соҳалардаги фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлиги, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларининг тўлиқ ва сифатли бажарилишини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти олдида шахсан жавобгардир ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олдида ҳисобдордир.

3. Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбар ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

Мазкур Низом талаблари унинг 2-илласидаги рўйхатда келтирилган вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмаларига нисбатан татбиқ этилади.

**2-боб. Раҳбар ўринбосарларининг фаолияти  
кўрсаткичларини ҳамда уларни баҳолаш мезонларини  
ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш**

4. Раҳбар ўринбосарларининг тегишли йил учун фаолияти кўрсаткичлари, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбар ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тегишли давлат бошқаруви органи ҳамда хўжалик бирлашмаси томонидан Ўзбекистон Республика-

---

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

си қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ҳамда тасдиқланган асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилади.

5. Раҳбар ўринбосарларининг тегишли йил учун мўлжалланган фаолият кўрсаткичлари шу йилнинг 10 январига қадар давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг коллегиял органлари томонидан Бош вазирнинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

### **3-боб. Раҳбар ўринбосарларининг фаолият кўрсаткичлари ижросини мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби**

6. Давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг биринчи раҳбарлари ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича тасдиқланган кўрсаткичларни амалда жорий этилганлиги юзасидан тизимли мониторинг олиб боради ҳамда уларнинг натижаларини танқидий таҳлил қилиб боради.

Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг биринчи раҳбарлари зарур ҳолларда бошқа давлат органлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича тасдиқланган кўрсаткичларни амалда жорий этилганлиги юзасидан расмий статистик ва идоравий маълумотларни сўраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг сўровига асосан уларни тегишли статистик маълумотлар билан таъминлайди.

7. Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 3-санасига қадар:

а) давлат бошқаруви органларининг биринчи раҳбарлари ҳисобот даври якуни бўйича раҳбар ўринбосарлари фаолиятининг якуний натижаларини кўриб чиқиш учун коллегиял орган мажлисини ўтказади ҳамда ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандларида белгиланган тартибда тегишли давлат бошқаруви органининг коллегиял органи томонидан ҳар бир раҳбар ўринбосарига баҳо берилади;

б) хўжалик бирлашмаларининг биринчи раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда ҳисобот даври якуни бўйича раҳбар ўринбосарлари фаолиятининг якуний натижаларини кўриб чиқиш учун кузатув кенгаши мажлисини ўтказади ҳамда ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандларида белгиланган тартибда тегишли хўжалик бирлашманинг кузатув кенгаши томонидан ҳар бир раҳбар ўринбосарига баҳо берилади.

8. Раҳбар ўринбосарлари томонидан фаолият кўрсаткичлари ижроси:

70 фоиздан кам таъминланганда — «қониқарсиз»;

71 фоиздан 90 фоизгача — «қониқарли»;

91 фоиздан 99 фоизгача — «яхши»;

100 фоиз ва ундан юқори бўлганда «аъло» деб баҳоланади.

9. Раҳбар ўринбосарларининг иш самарадорлигини баҳолаш рейтингини натижаси шу ўринбосарнинг баҳолаш самарадорлик кўрсаткичлари (СК)нинг ҳар бири учун олинган фоизларни қўшиш йўли билан ўртача

арифметик кўрсаткичлари орқали ҳисоблаб чиқариладиган ҳамда қуйидаги формулага асосан аниқланадиган умумий самарадорлик кўрсаткичи (кейинги ўринларда — УСК) орқали амалга оширилади:

$$\text{УСК} = (\text{СК}_1 + \text{СК}_2 + \dots + \text{СК}_n) / N$$

Бунда  $N$  — самарадорлик кўрсаткичлари сони.

10. Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг коллегиял органлари томонидан ҳар бир раҳбар ўринбосари бўйича берилган баҳо натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар, шу жумладан, тегишли ўринбосарлар масъулияти юзасидан таклифлар ҳамда бошқа таҳлилий материаллар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига киритилади.

11. Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари тақдим этилган таҳлилий материалларни тегишли раҳбарлар ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида танқидий муҳокама қилган ҳолда ҳар бир раҳбар ўринбосари фаолиятига шахсий баҳо берадилар, уларни рағбатлантириш ёки ўзига бириктирилган соҳа ва тармоқларда асосий кўрсаткичларга эришишда масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбар ўринбосарларининг лавозимига лойиқлиги масаласини кўриб чиқадилар ҳамда бу тўғрисида аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот беради.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг ҳисобот материаллари Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан умумлаштириш учун Вазирлар Маҳкамаси Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибиятига тақдим этилади.

13. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли котибияти ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар давлат бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш якунлари бўйича якуний таҳлилий материаллар, шу жумладан, уларни рағбатлантириш ёки интизомий чоралар қўллаш, шунингдек, заруратга кўра, ўз фаолиятида тизимли камчиликларга йўл қўйиб келаётган раҳбар ўринбосарлари лавозимини қисқартирган ҳолда уларга юкланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича тегишли департамент (бошқарма) фаолиятини ташкил этиш юзасидан аниқ таклифлар умумлаштирилиб, кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига юборилишини таъминлайди.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

14. Мазкур Низом талабларининг бажарилишини таъминлаш учун ҳар

бир давлат бошқаруви органи ҳамда хўжалик бирлашмасининг биринчи раҳбарлари шахсан масъул ҳисобланади.

15. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Раҳбарлар ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими жорий этиладиган вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмаларининг РЎЙХАТИ**

**I. Вазирликлар**

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги
2. Молия вазирлиги
3. Транспорт вазирлиги
4. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
6. Халқ таълими вазирлиги
7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
8. Ички ишлар вазирлиги
9. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
10. Қурилиш вазирлиги
11. Ташқи ишлар вазирлиги
12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
13. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
14. Адлия вазирлиги
15. Маданият вазирлиги
16. Туризм ва спорт вазирлиги
17. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
18. Мактабгача таълим вазирлиги
19. Инновацион ривожланиш вазирлиги
20. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
21. Сув хўжалиги вазирлиги
22. Энергетика вазирлиги
23. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги

## II. Давлат кўмиталари

1. Давлат статистика кўмитаси
2. Давлат солиқ кўмитаси
3. Давлат божхона кўмитаси
4. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси
5. Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси
6. Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси
7. Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси
8. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси
9. Мудофаа саноати давлат кўмитаси

## III. Марказий муассасалар

1. Фанлар академияси
2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси

## IV. Агентликлар

1. Ёшлар ишлари агентлиги
2. Давлат активларини бошқариш агентлиги
3. Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги
4. Миллий ахборот агентлиги
5. Кинематография агентлиги
6. Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги
7. «Ўзархив» агентлиги
8. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги
9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги
10. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги
11. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги
12. Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги
13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги
14. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги
16. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати
17. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги
18. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги
19. Туризм ва спорт вазирлиги ҳузурида Маданий мерос агентлиги

20. Энергетика вазирлиги ҳузуридаги «Ўзатом» агентлиги

21. Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги

### **V. Қўмиталар**

1. Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси

2. Монополияга қарши курашиш қўмитаси

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси

5. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси

6. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси

### **VI. Марказлар**

1. Республика Маънавият ва маърифат маркази

2. Гидрометеорология хизмати маркази

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув муаммолари илмий-тадқиқот маркази

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази

### **VII. Инспекциялар**

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси

3. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси

4. Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси

5. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси

6. Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси

7. Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси

8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси

9. Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси

**VIII. Уюшмалар**

1. «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси
2. Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмаси
3. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси
4. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси
5. «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси
6. «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси
7. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси
8. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси
9. «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси
10. «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар» уюшмаси
11. «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаси
12. Картошка етиштирувчилар уюшмаси
13. Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси
14. Каврак етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси
15. «Паррандасаноат» уюшмаси
16. «Ўзчармсаноат» уюшмаси

**IX. Жамғармалар**

1. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси
2. Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси

**X. Давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган компаниялар ва жамиятлар**

1. «Ўзбектелеком» АЖ
2. «Ўзбекистон почтаси» АЖ
3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
4. «Uzbekistan Airways» АЖ
5. «Uzbekistan Airports» АЖ
6. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ
7. «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ
8. «Ўзбеккўмир» АЖ
9. «Ўзшаҳар қурилиш инвест» МЧЖ
10. «Қишлоққурилишинвест» ИК
11. «Ўзагросуғурта» АЖ
12. «Ўзбекнефтгаз» АЖ
13. «Ўзтрансгаз» АЖ
14. «Худудгазтаъминот» АЖ
15. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ
16. «Худудий электр тармоқлари» АЖ
17. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ
18. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ

19. «Ўзкимёсаноат» АЖ
20. «Олмалиқ КМК» АЖ
21. «Ўзметкомбинат» АЖ
22. «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ
23. «Ўзавтосаноат» АЖ
24. «Ўзагролизинг» АЖ
25. «Ўзагросервис» АЖ
26. «Навой КМК» ДК
27. «Ўздонмахсулот» АК
28. «Ўзсувтаъминот» АЖ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**433** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4060-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 20 февралдаги ПҚ–4997-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4060-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони Р.М. Джураев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 22 июль,  
ПҚ–5190-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2021 йил 22 июлдаги  
ПҚ-5190-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил  
12 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахслар мулкининг  
қўриқланишини таъминлаш самарадорлигини ошириш  
чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4060-сон қарорига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддиманинг учинчи хатбошисидаги «Ички ишлар органларининг сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 1-бандда:

учинчи хатбошидаги «қўриқлаш хизматининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси қўриқлаш бўлинмаларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ички ишлар органлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 2-банднинг «б» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «ички ишлар органлари қўриқлаш хизматларидан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг қўриқлаш хизматларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «ички ишлар органлари қўриқлаш хизмати» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «қўриқлаш хизмати» сўзлари «Қўриқлаш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 4-банддаги «қўриқлаш хизмати» сўзлари «Қўриқлаш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «қўриқлаш хизмати» сўзлари «Қўриқлаш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «қўриқлаш хизматининг» сўзлари «Қўриқлаш бош бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. 8-банднинг олтинчи хатбошисидаги «қўриқлаш хизмати» сўзлари «Қўриқлаш бош бошқармаси қўриқлаш бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**434 Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

«E-auksion» электрон савдо платформасида электрон онлайн-аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини соддалаштириш ҳамда унификация қилиш, жараёнларнинг очиқлиги ва шаффофлигини ошириш, иштирокчилар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, аҳолининг аукционда қатнашиши учун қулайликлар яратиш мақсадида:

1. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб «E-auksion» электрон савдо платформасидаги (кейинги ўринларда — электрон савдо платформаси) электрон онлайн-аукционлар тартиб-таомилларининг ягона тартиби жорий этилсин ва унга мувофиқ:

иштирокчиларга, шу жумладан, чет эл фуқароларига аукционда қатнашиш учун электрон рақамли имзо калити сертификати масофадан туриб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — Марказ) томонидан бепул тақдим қилинади;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан объектларни аукционга чиқариш учун тўланадиган йиғим бекор қилинади;

аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабар у ўтказиладиган кундан 30 кун олдин эълон қилинади;

аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб аукцион жараёни якунига қадар иштирокчиларга объектни сотиб олиш бўйича аукцион қадамига боғланмаган ўз нарх таклифини киритиш ҳуқуқи берилади;

сотилган объектнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваригача бўлганда, тўловларни 10 иш куни, беш минг бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлганда тўловларни 15 иш куни мобайнида тўлаш имконияти яратилади, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

аукцион волиби тўловларни тўлашдан бош тортган тақдирда, волиб ҳамда унинг тўғридан-тўғри таъсисчилари ҳисобланган шахслар ноҳалол иштирокчи сифатида электрон савдо платформасидаги аукционлардан четлатилади. Бунда, тўловларни тўламаслик ҳолати биринчи марта содир этилганда бир йил муддатга, иккинчи марта такрорланса муддатсиз даврга аукционлардан четлатилади;

аукционга чиқарилган объектларни сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга фақат аукционда камида иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилади.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 июлда эълон қилинган.

Белгилансинки, мазкур тартиб қонунчилик ҳужжатлари билан электрон савдо платформаси орқали реализация қилиниши ёки ижарага берилиши белгиланган барча турдаги активларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Электрон онлайн-аукцион иштирокчилари ҳуқуқларининг ишончли химоясини кафолатлаш мақсадида, белгилансинки:

2021 йил 1 октябрдан бошлаб аукцион натижалари бўйича пул маблағлари Марказнинг махсус ҳисоб рақамида йиғилади ва аукцион голиби томонидан объект қабул қилинганлиги тасдиқлангандан сўнг, улар буюртмачи ҳисоб рақамига ўтказилади;

ижро ҳужжатлари бўйича автомобилотранспорт воситаларини реализация қилиш учун ўтказилган электрон онлайн-аукцион натижалари ҳақидаги баённома уни тақиқдан ечиш, шунингдек, аукцион голиби номига рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга қўйиш) учун асос ҳисобланади. Бунда, мажбурий тартибда ундириш учун юборилмаган маъмурий жарималарни тўлаш мажбурияти автомобилотранспорт воситасининг собиқ эгаси зиммасида қолади;

электрон онлайн-аукционни ташкил этиш ва ўтказиш тартибидан ташқари бўлган тартиб-таомилларга риоя қилинмаганлиги учун аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани бекор қилиш ёки ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

3. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг қўйидагиларни электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион йўли билан амалга ошириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) улушлари, кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини реализация қилиш;

давлат иштирокидаги корхоналар кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага бериш.

Белгилансинки, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан:

кўчмас мулкларини ижарага беришда, уларнинг давлат кўчмас мулкларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари, автомобилотранспорт воситаларини ижарага беришда жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари миқдориди, бошқа асосий воситаларини ижарага беришда эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексиди белгиланган амортизациянинг камида йиллик энг юқори нормаси суммаси миқдориди бошланғич нархи белгиланади;

кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини ижарага бериш ёки уларни ва улушни реализация қилиш ҳамда электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги маълумотлар ўзларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

4. Давлат активларини бошқариш агентлиги Молия вазирлиги ҳамда давлат номидан акциядор (таъсисчи, мулкдор) вазифаларини амалга оши-

рувчи бошқа вазирлик, идора ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда:

бир ой муддатда давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органлари йиғилишларида уларга тегишли бўлган улушлар, кўчмас мулклар, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, уларни реализация қилиш ёки ижарага бериш бўйича «йўл хариталари»ни тасдиқлаш ташаббуси билан чиқсин;

икки ой муддатда давлат иштирокидаги корхоналарнинг улушлари кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситалари уларни реализация қилиш ёки ижарага бериш бўйича электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукционга чиқарилишини бошласин.

5. 2022 йил 1 январдан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар томонидан автомобилотранспорт воситаларини электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион йўли билан ижарага беришда шартномаларни нотариал тасдиқлаш талаби бекор қилинсин.

Бунда, электрон онлайн-аукцион натижасига кўра расмийлаштирилган баённома ижара шартномаси кучига эга бўлади.

Адлия вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига автомобилотранспорт воситалари электрон савдо платформаси орқали ижарага берилганда, шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш талабини бекор қилиш бўйича тегишли ўзгартиришларни киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 августдаги «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларини бериш ҳамда архитектура-қурилиш ишларини амалга ошириш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4427-сон қарори билан Давлат хизматлари марказларида жисмоний шахсларга электрон онлайн-аукционда иштирок этиш имкониятини яратиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида Марказнинг ҳудудлардаги 3 нафардан вакиллари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг зиммасига аукционга чиқарилаётган объектлар бўйича реклама ишларини ташкил этиш, аҳоли орасида аукционни оммалаштириш ҳамда унга чиқарилаётган объектлар юзасидан маълумотларни сифатли тайёрлашга кўмаклашиш вазифасини юклаш;

Марказ ва унинг ҳудудлардаги вакиллари объектларни реклама қилиш учун Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига тегишли учувчисиз учинч аппаратларидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

«E-ijro aukcion» ягона электрон савдо майдончасини «E-auksion» электрон савдо платформаси деб қайта номлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Марказнинг ҳудудлардаги вакиллари фаолияти-

ни Давлат хизматлари марказларида йўлга қўйиш ва уларни зарурий воситалар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Давлат активларини бошқариш агентлиги:

Марказнинг ташкилий тузилмасида Ички аудит ва комплаенс-назорат хизмати ташкил этилишини ҳамда унинг зиммасига аукционларни ташкил этиш ва ўтказишда коррупция аломатларини аниқлаш ҳамда уларни бар-тараф этиш, шунингдек, Марказ ходимлари орасида коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик бўйича профилактик тадбирларни амалга ошириш вазифасининг юкланишини;

Марказнинг худудлардаги вакилларини сақлаш харажатларини асосланган ҳисоб-китобларига кўра Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси ҳисобидан қоплаб борилишини таъминласин.

8. Ер участкаларини электрон савдо платформасидаги электрон онлайн-аукцион йўли билан реализация қилиш ёки ижарага бериш тартибини тақомиллаштириш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ер участкаларини аукционга инвестиция киритиш шарти билан чиқариш тартиби бекор қилинади;

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ер участкалари бўйича аукцион ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб барча иштирокчиларга мазкур ер участкаларини олдиндан кўриш (кўздан кечириш) имкониятини таъминлайди;

ер участкаси бўйича тегишли маълумотлар, шу жумладан, фотосуратлар, унинг геолокация ва координатлари тўлиқ кўрсатилмаган ҳолда аукционга чиқариш учун буюртма тақдим этилганда, у камчиликларни бар-тараф этиш учун қайтарилади.

9. Давлат активларини бошқариш агентлиги:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Миллий телерадиокомпания билан биргаликда икки ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин:

республика бўйлаб барча туман ва шаҳарларда аукционни тарғиб қилиш бўйича семинар ва давра суҳбатларини ташкил этиш;

теле- ва радиоканалларда ҳар куни аукционда иштирок этиш бўйича видео- ва аудиолавлаларни бериб бориш, шунингдек, ушбу йўналишда туркум кўрсатувлар тайёрлаш чораларини кўриш;

2021 йил 1 августга қадар электрон савдо платформасида аукционда иштирок этувчилар сони, шунингдек, аукцион жараёнини онлайн режимда кузатиб боришни жорий этиш;

2021 йил 1 октябрга қадар электрон савдо платформасининг демо версиясини ишлаб чиқиш, уни мактаб ва олий таълим муассасалари ўртасида оммалаштириш;

б) Марказ билан биргаликда икки ой муддатда ахборот технологиялари соҳасида етарли тажрибага эга бўлган ташкилотларни жалб этган ҳолда, электрон савдо платформасининг янгиланган дастурий таъминотини яратиш

учун техник иқтисодий асосларни ишлаб чиқиб, тендер савдоларини эълон қилсин.

Бунда, аукцион натижалари бўйича иштирокчиларнинг ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини (клиринг) юритувчи ахборот тизимини жорий қилиш назарда тутилсин;

в) Марказ билан биргаликда объектлар, шу жумладан, ер участкаларини электрон онлайн-аукционда сотиб олиб, қисқа муддат давомида ундан фойдаланмаган ҳолда уларнинг олди-сотдиси билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларни таҳлиллар асосида аниқлаб, савдолардан белгиланган тартибда четлатиш чораларини кўриб борсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, электрон савдо платформасида ташкил этиладиган электрон онлайн-аукционлар тартиб-таомилларининг ягона тартибини, шу жумладан, аукцион натижалари бўйича расмийлаштириладиган баённоманинг намунавий шаклини тасдиқласин.

Мазкур ягона тартибда ижро ҳужжатлари бўйича объектларни электрон онлайн-аукционга чиқариш ва реализация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинсин.

11. Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар этиб Бош вазирнинг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Давлат активларини бошқариш агентлиги директори А.Ж. Ортиқов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 июль,  
ПҚ-5197-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**435** Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони)\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 23 июль,  
450-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 июлда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 23 июлдаги 450-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 февралдаги 40-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Касб-хунар коллежлари ўқувчилари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-банди:

а) қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«оиласи «Темир дафтар»га киритилган ўқувчи ёшларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида олти ойдан кўп бўлмаган муддатдаги ишлаб чиқариш амалиёти даври учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридан ҳар ойлик субсидия ажратилишини»;

б) учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 26-модда) қуйидаги мазмундаги 3<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«3<sup>2</sup>. «Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкани ижарага олишда ижара тўловлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ПФ–6208-сон Фармонида 1-иловада белгиланган имтиёзлар қўлланилиши назарда тутилсин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 11 мартдаги 132-сон қароридан:

а) 2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи миқдоридан маблағлар ҳар чоракда тегишли ҳудуднинг қўшимча манбалари нисбатан кам миқдорда шаклланган туманлар (шаҳарлар)нинг «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаларига ушбу жамғармалар Васийлик кенгашининг ушбу қарорда белгиланган харажатларни қоплашга кўмаклашиш ҳақидаги талабномасига асосан йўналтирилади»;

б) 3-бандда:

бешинчи хатбоши «бир йилда» сўзларидан кейин «30 фоизи, бироқ» сўзлари билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мамлакатимиздаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган «Темир дафтар»га киритилган оилалар фарзандларининг, шунингдек, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, аммо БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб беришга»;

в) 1-иловада:

5-бандда:

бешинчи хатбошиси «бир йилда» сўзларидан кейин «30 фоизи, бироқ» сўзлари билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мамлакатимиздаги профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олаётган «Темир дафтар»га киритилган оилалар фарзандларининг, шунингдек, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, аммо БХМнинг 50 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб беришга».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган «Ёшлар дафтари»ни юритиш орқали ёшларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартибда:

а) 2-банднинг еттинчи хатбошиси «ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида» сўзларидан кейин «шунингдек, ёшларнинг беш ташаббус доирасидаги тадбирларини молиялаштириш учун» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 23-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 25-банд «бир йилда» сўзларидан кейин «30 фоизи, бироқ» сўзлари билан тўлдирилсин;

г) 30-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи-бешинчи хатбошилар тегишлича учинчи-тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

д) 6-параграфнинг номи ва 35-банд «фарзандларининг» сўзларидан кейин «, шунингдек, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларнинг» сўзлари билан тўлдирилсин;

е) 36-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи-бешинчи хатбошилар тегишлича учинчи-тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**436** Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, кўчатчилик соҳасини интенсив технологиялар асосида ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни (кейинги ўринларда — кўчатлар ва пайвандтаглар) сотиб олиш харажатларининг бир қисмини субсидия ажратиш йўли билан қоплаб бериш тартиби;

кўчатлар ва пайвандтаглар учун субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдорлари;

кўчатлар ва пайвандтаглар турлари (ток кўчатлари, уруғли ва данакли мевалар, ёнғоқ мевалари) бўйича коэффициентларни аниқлаш тартиби; республикада кўчатлар ва пайвандтагларни экиш шартлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари томонидан интенсив боғ ва токзор барпо этиш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхатларини шакллантириш тартиби;

кўчатлар ва пайвандтагларни етиштириш ва етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилиши бўйича мониторинг олиб бориш тартиби.

2. Белгилансинки:

қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига кўчатлар ва пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 июлда эълон қилинган.

иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан субсидия ажратилади;

қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига кўчатлар ва пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан назорат қилинади.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 481-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 июль,  
458-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 24 июлдаги 458-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратиш тўғрисида  
НИЗОМ**

#### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни (кейинги ўринларда — кўчатлар ва пайванд-

таглар) сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**интенсив боғ** — интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтаглардан етиштирилган кўчатларни зич экиш схемасида ресурстежамкор агротехнологик тадбирларни амалга ошириш асосида ташкил этилган ва сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган мевали боғ;

**«In-vitro» лабораторияси** — ўсимлик организми тўқималарини микрклонал кўпайтириш усули орқали «соғлом», вируслардан холи бўлган пайвандтаг етиштириш учун ихтисослашган, махсус жиҳозланган лаборатория;

**кўчатчилик хўжалиги** — Ўзбекистон Республикасида мева кўчатларини етиштирувчи мақомга ва кўчатчиликка ихтисослашган камида 2 гектар ер майдонига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект;

**қишлоқ хўжалиги бирлашмаси** — фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларини, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва сотиш бўйича фаолият олиб боровчи жисмоний ва юридик шахсларни ўз ичига олган юридик шахс;

**лойиҳа ташаббускори** — янги интенсив боғ ва/ёки токзор барпо этиш юзасидан субсидия олиш учун мурожаат қилган қишлоқ хўжалиги бирлашмаси аъзоси, мева-сабзавот кластери иштирокчиси ёки тадбиркорлик субъекти;

**мева-сабзавот кластери** — бир ёки бир неча юридик ва жисмоний шахслар томонидан битим асосида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда уруғлик, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича қўшилган қиймат занжири яратиш юзасидан ҳамкорликни амалга оширишга қаратилган фаолият шакли;

**пайвандтаг** — «In-vitro» лабораториясида ёки вегетатив йўл билан кўпайтирилган илдиз тизимига эга бўлган ўсимлик пояси;

**плантация** — қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг ёки мева-сабзавот кластерининг аъзолари томонидан туташ ҳудудда 10 гектардан кам бўлмаган майдонларда бир хил мева ёки узум тури экилган интенсив боғ ва/ёки токзор.

3. Субсидиялар кўчатлар ва пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун берилади, данак ва уруғдан кўпайтирилган пайвандтаглар (кўчатлар) бундан мустасно.

4. Субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори сотиб олинган кўчатлар ва пайвандтагларнинг ҳар бир донаси учун қуйидаги миқдорларда белгиланади:

интенсив мева ва узум кўчати учун — 8 000 сўм;

пайвандтаг учун — 2 500 сўм.

5. Қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига кўчатлар ва пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ҳар бир дона кўчатга бериладиган субсидия миқдори унинг базавий ҳисоблаш миқдорига мевали кўчат тури учун белгиланган коэффициентни кўпайтириш йўли билан қуйидагича аниқланади:

Номланиши	Кўчат турлари бўйича коэффициентлар			
	ток кўчатлари (хўраки ва қишмишбоп)	уруғли мевалар	данакли мевалар	ёнгоқ мевалар
Интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтаглар	0,15	0,50	0,75	1,00

6. Лойиҳа ташаббускорлари мазкур Низомга 1-иловага\* мувофиқ интенсив боғ ва токзорларда кўчатларни экиш шартларига риоя қилишлари лозим.

7. Маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисми ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ схема бўйича қоплаб берилади.

**2-боб. Маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартиби**

**1-§. Маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш**

8. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ҳар йили 1 ноябрга қадар плантация асосида барпо этиладиган боғ ва токзорлар учун ажратилган ёки ажратиладиган ер майдонларидан келиб чиқиб, лойиҳа ташаббускорларининг интенсив кўчатлар турлари, навлари ва миқдорига бўлган талабини аниқлаш мақсадида интенсив боғ ва токзор барпо этиш бўйича лойиҳаларининг манзилли рўйхатини мазкур Низомга 3-иловага\* мувофиқ шакллантиради.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари шакллантирилган манзилли рўйхатни ўн иш кунда Агентликка тақдим этади.

10. Агентлик тақдим этилган манзилли рўйхат асосида ўн иш кунда «in-vitro» лабораториялари ва кўчатчилик хўжаликларининг маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар етказиб бериш имкониятини ўрга-

\* 1 — 3-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ниб, олинган маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари орқали лойиҳа ташаббускорига етказди.

11. Лойиҳа ташаббускори интенсив кўчатлар сотиб олишга субсидия олиш учун Агентлик ва кўчат етказиб берувчи кўчатчилик хўжалиги ўртида уч томонлама шартномани имзолашга Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси кенгашининг (кейинги ўринларда — Кенгаш) қарорини олиш учун Агентликка қуйидаги ҳужжатларни ёзма ёки электрон шаклда тақдим қилади:

юридик шахснинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), сўралаётган субсидиянинг мақсади, миқдори, интенсив боғ ва/ёки токзор барпо этилиши режалаштирилган ер майдони, хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги ҳисобварағи кўрсатилган субсидия ажратиш тўғрисидаги ариза;

интенсив боғ ва/ёки токзор барпо этиш учун ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

ушбу Низомга 4-иловага\* мувофиқ шаклда лойиҳа тўғрисида маълумот.

Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Лойиҳани молиялаштиришнинг аниқ манбалари (ўз маблағи, банк кредити, хорижий инвестиция) кўрсатилмаган аризалар кўриб чиқилмайди.

12. Агентлик тақдим этилган ҳужжатларни беш иш кунида Кенгашнинг навбатдаги йиғилишларида кўриб чиқиш учун киритади.

13. Кенгаш Агентлик томонидан лойиҳа ташаббускорига интенсив кўчатларни сотиб олиш учун бериладиган буюртмага аванс тўлови сифатида субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

14. Субсидия ажратишни рад этиш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

лойиҳа ташаббускори ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган шартларга мос келмаса;

кўчат етказиб берувчи хўжалик мевали ва узум кўчати етиштириш учун кўчатчиликка ихтисослашган камида 2 гектар ер майдонига эга бўлмаса, шунингдек, кўчатчиликка ихтисослашган хўжалик бўлмаса;

лойиҳа ташаббускори томонидан тақдим этилган ҳужжатларда Агентлик томонидан ўтказиладиган ўрганишлар орқали ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда.

Ушбу бандда қайд этилганидан бошқа ҳолатлардан ташқари лойиҳа ташаббускорига субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

---

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Кенгашнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги ижобий қарори Агентлик, лойиҳа ташаббускори ва кўчатчилик хўжалиги ўртасида субсидия ажратиш тўғрисидаги уч томонлама шартномани расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

Кенгашнинг йиғилишлари, заруратга кўра, бир ойда камида бир мартаба ўтказилади.

16. Агентлик Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида лойиҳа ташаббускорини уч иш кун мобайнида ёзма (электрон) равишда хабардор қилади.

Лойиҳа ташаббускори Кенгашнинг қарори ҳақида хабардор қилингандан сўнг беш иш кунда Агентлик, лойиҳа ташаббускори ва кўчатчилик хўжалиги ўртасида интенсив кўчатлар етиштириш, етказиб бериш ва субсидия ажратиб бериш бўйича уч томонлама шартнома имзоланади.

Агентлик шартнома имзолангандан сўнг Жамғарма ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлган тақдирда бир ой муддатда, бироқ узоғи билан олти ойдан ошмаган муддатда интенсив кўчатлар етказиб бериш учун лойиҳа ташаббускори номидан кўчатчилик хўжалигига шартномада белгиланган миқдордаги маблағларни ўтказиб беради.

Ажратилган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, Агентлик молиялаштиришни тўхтатади ва маблағнинг молиялаштирилган қисмини ундириш чораларини кўради.

17. Маблағлар кўчатчилик хўжаликларининг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626 ҳисобварақларига (ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) ўтказилади.

18. Кўчатчилик хўжалиги лойиҳа ташаббускорига етказиб берилаётган интенсив кўчатлар учун Жамғарма томонидан молиялаштирилган маблағларни мос равишда ҳар бир кўчат нархидан чегириб қолади.

Ушбу кўчат нархидан чегирилган маблағлар лойиҳа ташаббускорига тақдим этилган субсидия деб ҳисобланади.

## **2-§. Маҳаллий шароитда етиштирилган пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш**

19. Кўчатчилик хўжалиги маҳаллий шароитда етиштирилган пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини «in-vitro» лабораториясига субсидия ҳисобига олдиндан тўловни амалга ошириш учун Агентликка қуйидаги ҳужжатларни ёзма ёки электрон шаклда тақдим қилади:

юридик шахснинг номи, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), субсидия олиш мақсади, миқдори, маҳаллий шароитда интенсив кўчатлар етиштириш режалаштирилган ер майдони (контур рақами), хизмат кўрсатувчи тижорат банкининг номи ва банкдаги ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда субсидия ажратиш тўғрисидаги ариза;

ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (пайвандтаглар академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва вино-

чилик илмий-тадқиқот институтининг илмий-тажриба станцияларида етиштирилган ҳоллар бундан мустасно).

Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

20. Агентлик кўчатчилик хўжалиги томонидан тақдим этилган ҳужжатларни беш иш кунда Кенгашнинг навбатдаги йиғилишларида кўриб чиқиш учун киритади.

Кенгашнинг йиғилишлари, заруратга кўра, бир ойда камида бир мартаба ўтказилади.

21. Кенгаш кўчатчилик хўжалигига «in-vitro» лабораториясидан пайвандтаглар сотиб олишга олдиндан буюртма бериш учун субсидия ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

22. Субсидия ажратишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

лойиҳа ташаббускори ушбу Низомнинг 19-бандида белгиланган шартларга мос келмаса;

пайвандтаг етказиб берувчи кўчатчилик хўжалиги мевали ва узум кўчат етиштириш учун кўчатчиликка ихтисослашган камида 2 гектар ер майдонига эга бўлмаса, шунингдек, кўчатчиликка ихтисослашган хўжалик бўлмаса;

лойиҳа ташаббускори томонидан тақдим этилган ҳужжатларда Агентлик томонидан ўтказиладиган ўрганишлар орқали ишончсиз ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги ёки маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари аниқланганда.

Ушбу бандда қайд этилганидан бошқа ҳолатларда субсидия олувчига субсидия ажратишни рад этишга йўл қўйилмайди.

23. Кенгашнинг субсидия ажратиш тўғрисидаги ижобий қарори Агентлик, «in-vitro» лабораторияси ва кўчатчилик хўжалиги ўртасида субсидияни аванс тўлови сифатида тўлаб бериш тўғрисида уч томонлама шартномани расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

24. Агентлик Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрисида кўчатчилик хўжалигини уч иш кунни мобайнида ёзма (электрон) равишда хабардор қилади.

Кўчатчилик хўжалиги Кенгашнинг қарори ҳақида хабардор қилингандан сўнг беш иш кунда Агентлик, «in-vitro» лабораторияси ва кўчатчилик хўжалиги ўртасида пайвандтагларни етказиб бериш ва субсидияни аванс тўлови сифатида тўлаб бериш бўйича уч томонлама шартнома имзоланади.

25. Агентлик «in-vitro» лабораторияга имзоланган уч томонлама шартнома асосида Жамғарма ҳисобрақамида маблағлар мавжуд бўлган тақдирда бир ой муддатда, бироқ узоғи билан олти ойдан ошмаган муддатда пайвандтагларни етиштириш ва етказиб бериш учун кўчатчилик хўжалиги номидан субсидияни ўтказди.

26. Субсидия маблағлари «in-vitro» лабораторияларининг хизмат кўрсатувчи тижорат банкларида очилган махсус 22626 ҳисобварақларига (ташкilotларнинг мақсадли маблағлари) ўтказилади.

27. «In-vitro» лабораторияси кўчатчилик хўжаликларига етказиб берилган пайвандтаглар учун Жамғарма томонидан молиялаштирилган маблағни мос равишда ҳар бир пайвандтаг нархидан чегириб қолади.

Ушбу пайвандтаг нархидан чегирилган маблағлар кўчатчилик хўжалигига тақдим этилган субсидия деб ҳисобланади.

**3-боб. Маҳаллий шароитда интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни етиштириш ва етказиб бериш мажбуриятларининг бажарилиши бўйича мониторингини олиб бориш**

28. «In-vitro» лабораториялари ва кўчатчилик хўжаликлари маҳаллий шароитда интенсив кўчатлар ҳамда пайвандтаглар етказиб беришни субсидия маблағлари ажратилгандан (молиялаштирилгандан) сўнг 24 ойдан ошмаган муддатда яқунланиши лозим.

29. Шартномада кўрсатилган параметрлар ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида Агентлик, академик М. Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти томонидан лойиҳа ташаббускори ёки кўчатчилик хўжалиги иштирокида ҳар чорак якуни бўйича субсидия олган кўчатчилик хўжалиги даласига ва «in-vitro» лабораториясига ташриф буюрган ҳолда мониторинг ўтказилади.

Мониторинг яқунлари бўйича шартномада кўрсатилган параметрларнинг бажарилиш ҳолати ва кўчатлар етиштириш стандартларга мослиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда уч нусхада далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатнома Агентлик, академик М. Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти вакили, лойиҳа ташаббускори ёки кўчатчилик хўжалиги раҳбари томонидан имзоланади. Далолатнома бир нусхадан Агентлик, кўчатчилик хўжалиги ва «in-vitro» лабораториясида сақланади.

30. Мониторинг жараёнида қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари, мева-сабзавот кластерлари иштирокчилари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари, лойиҳа ташаббускори, кўчатчилик хўжалиги ёки «in-vitro» лабораторияси томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда, Агентлик ўтказиб берилган маблағларни қайтариш юзасидан уларга ёзма равишда талабнома юборади.

Лойиҳа ташаббускори, кўчатчилик хўжалиги ёки «in-vitro» лабораторияси ушбу талабномани олган кундан эътиборан бир ой мобайнида олинган маблағларни Агентликнинг тегишли махсус шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

Агар олинган маблағлар белгиланган муддатда қайтариб берилмаса, Агентлик маблағларни қайтариш бўйича белгиланган тартибда судга мурожаат қилиши мумкин. Бунда лойиҳанинг бажарилмаган қисмига тенг бўлган субсидия қайтарилади.

**4-боб. Якунловчи қоидалар**

31. «In-vitro» лабораториялари ва кўчатчилик хўжаликларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Агентликнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

32. Агентлик ҳар чорак якуни билан ажратилаётган субсидиядан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва таҳлил натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ахборот киритиб боради.

33. Қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг аъзолари ва мева-сабзавот кластерлари иштирокчиларига кўчатлар ва пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

34. Маҳаллий шароитда интенсив кўчатлар (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтаглар етиштириб бериш учун субсидия олган «in-vitro» лабораториялари ва кўчатчилик хўжаликлари субсидиянинг мақсадли ва самарали ишлатилиши учун жавобгар ҳисобланади.

35. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 24 июлдаги 458-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини  
ривожлантириш агентлиги қошидаги Боғдорчилик ва  
иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси  
тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 6-банд «б» кичик бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«кооперацияларга бирлашган лимон етиштирувчи фермер ва дехқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тадбиркорлик субъектларига янги лимонзорларни барпо этиш ва кўчатларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳар бир гектари учун 30 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари ва мева-сабзавот кластерлари иштирокчиларига маҳаллий шароитда ҳар бир интенсив (пакана ва ярим пакана) кўчат учун 8 000 сўм ҳамда пайвандтагнинг ҳар бир донаси учун 2 500 сўм миқдорда»;

бешинчи-олтинчи хатбошилар тегишлича олтинчи-еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Агар шартномада сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишга, шунингдек, янги лимонзорларни барпо этиш ва интенсив қўчатларни (пакана ва ярим пакана) ҳамда пайвандтагларни харид қилиш билан боғлиқ сарфланган харажат мазкур кичик бандда белгиланган суммадан кам бўлган тақдирда субсидия шартномада назарда тутилган суммага ажратилади».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **437 Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек ўртача ойлик даромади юқори бўлмаган фуқароларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлашни изчил давом эттириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ–5886-сон Фармони билан даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож аҳолига уй-жой сотиб олиш учун ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини тўлаш учун субсидия ажратилиши йўлга қўйилганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий мезонлари белгиланганлиги;

таҳлиллар натижасига кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ажратилган ипотека кредитларини қайтаришда қарздорларнинг ўртача ойлик даромади етмаслиги, натижада уларнинг муаммоли кредитга айланиш хавфи мавжудлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ҳамда

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 июлда эълон қилинган.

маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг 2022 йил 1 августга қадар тажриба тариқасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларига ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг кафилликларини бериш ва муддати ўтказиб юборилган қарздорликларни қоплаш тартибини жорий қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тажриба тариқасида 2021 йил 1 августга қадар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ипотека кредитлари бўйича қарздорликларини сўндириш жамғармаларини (кейинги ўринларда — жамғарма) ташкил этиб, маҳаллий бюджет даромадларининг ҳисобот чораклари якунлари бўйича аниқланадиган прогнозидан ошириб бажарилган қисмининг 5 фоизигача бўлган миқдоридаги маблағларни жамғармага йўналтирсин.

Белгилансинки, жамғарма томонидан бериладиган жами кафилликлар йиғиндиси жамғарма маблағлари қолдигининг 5 бараваридан ошишига йўл қўйилмайди.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан кафилликлар бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий мезонларидан ўртача ойлик даромади кам бўлган фуқароларга ипотека кредитлари бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан кафилликлар бериш;

кафиллик берилган қарз олувчиларнинг ипотека кредити бўйича банк олдидаги муддати ўтказиб юборилган қарздорликни маҳаллий ҳокимликлар томонидан қоплаш тартиби.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сон Фармонида мувофиқ ташкил этилган «Халқпарвар» комиссияларига:

2021 йил 1 августдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарорига асосан субсидия олиш учун ўртача ойлик даромади етмайдиган ипотека кредитини олиш истагида бўлган фуқароларнинг рўйхатини (кейинги ўринларда — рўйхат) шакллантириб бориш;

2021 йил 1 августга қадар тижорат банклари билан биргаликда мазкур қарор қабул қилинганга қадар ипотека кредити олган ва ўртача ойлик даромадлари қарздорликларини тўлаш учун етарли бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож қарз олувчилар тўғрисида маълумотни шакллантириш ва уларни рўйхатга киритиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан биргаликда 2022 йил 10 августга қадар тажриба якунларидан келиб чиқиб, асосланган таклифларни Ҳукуматга киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 июль,  
459-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 24 июлдаги 459-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ажратиладиган ипотека  
кредитлари бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан  
кафилликлар бериш тартиби тўғрисидаги  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Вақтинчалик низом (кейинги ўринларда — Низом) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда — ҳокимликлар) томонидан Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларига ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича кафилликлар бериш ва муддати ўтказиб юборилган қарздорликларни қоплаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом 2022 йил 1 августга қадар амал қилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жамғарма** — ҳокимликлар маҳаллий бюджетининг чораклик даромадлар прогнозидан ошириб бажарилган қисмининг 5 фоизигача бўлган миқдордаги ўтказмалардан шаклландиган ҳокимликларга очиладиган бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағи;

**кафиллик** — ариза берувчига тақдим этиладиган ипотека кредитлари бўйича муддати ўтган асосий ва фоиз қарздорликларни сўндириш юзасидан кафиллик шартномасига мувофиқ ҳокимликларнинг тижорат банки (кейинги ўринларда — банк) олдидаги мажбурияти;

**рўйхат** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор тамоийилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 11 мартдаги ПФ–6186-сон Фармони билан ташкил этилган «Халқпарвар» комиссиялари (кейинги ўринларда — «Халқпарвар» комиссияси) томонидан шакллантириладиган ҳамда ўртача ойлик даромади Вазирлар Маҳкама-

сининг «Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарорига асосан субсидия олиш учун белгиланган мезонлардан кам бўлган фуқаролар рўйхати;

**қарз олувчи** — ипотека кредити бўйича кафиллик олиш мақсадида ариза билан мурожаат қилувчи 18 ёшга тўлган ва 60 ёшдан ошмаган ҳамда рўйхатда турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

3. Кафиллик рўйхатдаги қарз олувчиларга банклар томонидан ажратилган (ажратиладиган) ипотека кредитлари бўйича берилади.

4. Кафиллик берилганлиги учун ҳокимликлар томонидан тўлов (мукофот пули) ундирилмайди.

5. Ҳокимликлар чораклар якуни билан маҳаллий бюджет даромадлари прогнозидан ошириб бажарилган қисмининг 5 фоизигача миқдордаги маблағларни ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 25 санасига қадар Жамғармага ўтказиб борадилар.

## **2-боб. Кафилликни бериш тартиби**

6. Кафиллик ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича ҳокимликлар томонидан берилади.

Кафиллик ҳокимликлар томонидан «Халқпарвар» комиссияларининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина берилади.

7. Кафилликни олиш учун қарз олувчи ушбу Низомга 2-иловага\* мувофиқ шакл бўйича аризани ҳамда унга илова сифатида шахсий идентификация рақами маълумотлари ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини ҳокимликка тақдим этади.

Ҳокимлик, заруратга кўра, қарз олувчи ва унинг оила аъзолари тўғрисидаги бошқа маълумотларни «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали масъул давлат органлари ва ташкилотларидан мустақил сўраб олади.

8. Ҳокимлик ҳужжат келиб тушган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай:

ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатларни «Халқпарвар» комиссиясига;

қарз олувчи ва унинг оила аъзоларининг шахсий идентификация рақами маълумотларини ҳудудий давлат солиқ бошқармасига (кейинги ўринларда — Солиқ бошқармаси) юборади.

9. Мазкур Низом тасдиқлангунга қадар ипотека кредити олган ва ўртача ойлик даромадлари қарздорликларини тўлаш учун етарли бўлмаган ижтимоий ҳимояга мухтож қарз олувчиларнинг банк филиалига тақдим этган аризасига асосан мазкур банк филиали томонидан ушбу Низомнинг 7-бандида келтирилган ҳужжатларни «Халқпарвар» комиссиясига ҳамда қарз олувчи ва унинг оила аъзоларининг шахсий идентификация рақами маълумотларини Солиқ бошқармасига юборилади.

---

\* 1-2-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

10. Солиқ бошқармаси қарз олувчи ва унинг оила аъзолари шахсий идентификация рақамлари тўғрисидаги маълумотлари келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида уларнинг ўртача ойлик даромадлари тўғрисидаги маълумотларни «Халқпарвар» комиссиясига юборади.

11. «Халқпарвар» комиссияси ҳокимлик (банк) ва Солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва Солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумот келиб тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида:

танқидий мулоҳазалар бўлмаганда — қарз олувчини рўйхатга киритади ва ҳокимликка ипотека кредити бўйича кафиллик беришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ижобий хулосани тақдим этади;

танқидий мулоҳазалар бўлганда — кафиллик беришни рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда уни ҳокимликка (мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳолларда — банкка) ёзма шаклда юборади.

12. Қуйидаги ҳолларда ариза берувчига кафиллик берилиши рад этилиши мумкин:

а) ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

б) ариза берувчининг ўртача ойлик даромади Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарорига асосан субсидия олиш учун белгиланган мезонларга мос ёки ундан кўпроқ бўлганда;

в) тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри ёки сохта маълумотлар мавжуд бўлганда;

г) «Халқпарвар» комиссиясининг танқидий мулоҳазалари бўлганда.

13. «Халқпарвар» комиссияси томонидан тақдим этилган ижобий хулоса келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ҳокимлик Жамғарма маблағларининг мавжудлиги ва маҳаллий бюджети тушумлари прогнозини, шунингдек кредит шартномаси ва қарзни қайтариш жадвалини (ажратилган ипотека кредитлари бўйича) ҳисобга олган ҳолда қарз олувчи томонидан жалб этилаётган (этилган) ипотека кредитлари бўйича унга кафиллик бериш тўғрисида кафилликнинг максимал миқдорини кўрсатган ҳолда қарор қабул қилади.

14. «Халқпарвар» комиссиясидан танқидий мулоҳаза келиб тушганда ҳокимлик (мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳолларда — банк) уч иш куни мобайнида қарз олувчига кафиллик тақдим этилмаслик сабабларини ва камчиликларни бартараф қилган ҳолда ҳужжатларни қайта топшириш муддатини кўрсатган ҳолда (агар бартараф этиш имкони мавжуд бўлса) рад этиш хатини юборади.

15. Ҳокимлик кафиллик бериш тўғрисидаги қарор қабул қилган кундан кейинги кундан кечиктирмасдан қарор нусхасини қарз олувчига, (мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ҳолларда — банкка) юборади.

16. Қарз олувчи ҳокимликнинг кафиллик ажратиш тўғрисидаги қаро-

ридан нусхани олган кундан беш иш куни мобайнида тегишли банк филиалига бориб, қарордан нусхани тақдим этади.

17. Ипотека кредити ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинган, шунингдек ҳокимликдан кафиллик бериш тўғрисидаги қарор нусхаси келиб тушган тақдирда, уч иш куни давомида ипотека кредити шартномаси нусхасини ҳамда банк филиали раҳбари ёки унинг ўринбосари ва қарз олувчи томонидан имзолаган кафиллик шартномаси лойиҳасини 3 нусхада ҳокимликка юборади.

18. Банк филиали ва қарз олувчи имзолаган уч нусхадаги кафиллик шартномаси лойиҳаси ҳокимликка келиб тушган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими ёки унинг биринчи ўринбосари томонидан имзоланади ҳамда кафиллик шартномасини қарз олувчи ва банк филиалига бир нусхадан юборади.

19. Кафиллик шартномаларини ҳисоби ҳокимликнинг алоҳида ҳисобга олиш журналида юритилади.

Кафиллик шартномаларини ҳисобга олиш журнали рақамланган, ип ўтказиб тикилган, ваколатли мансабдор шахснинг имзоси ва ҳокимликнинг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

20. Кафиллик шартномаси имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

21. Банк томонидан ипотека кредитлари ҳокимликнинг кафиллиги тақдим этилган қарз олувчиларга Молия вазирлиги томонидан банкка ипотека кредити ажратиш учун жойлаштирган ресурслар ҳисобидан берилади.

**3-боб. Қарз олувчиларга кафиллик остида ажратилган  
кредитлар бўйича кафиллик шартномаларида белгиланган  
мажбуриятларни ижро этиш ва муддати ўтказиб юборилган  
қарздорликни қоплаш тартиби**

22. Кафиллик берилган қарз олувчиларга ажратилган кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик юзага келганда ва кредит шартномаларига илова қилинадиган уларни қайтариш жадвалига риоя қилинмаганда, банк филиали ўттиз кун мобайнида ҳокимликларни муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганлиги тўғрисида хабардор қилади. Банк филиали мурожаатга:

кафиллик шартномасининг нусхаси;

кредит шартномасининг нусхаси;

қарз олувчининг муддати ўтказиб юборилган қарздорлик борлиги тўғрисида маълумотнома илова қилинади.

23. Ҳокимлик банк филиалининг мурожаатини беш иш куни мобайнида кўриб чиқади ва қарз олувчининг мавжуд муддати ўтказиб юборилган қарзини банк филиалига тўлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жалб этилган кредитлар бўйича қарз олувчининг муддати ўтказиб

юборилган қарзини қайтариш учун мўлжалланган маблағлар кафил томонидан фақат кредит берувчининг ҳисобварағига йўналтирилади.

24. Қарз олувчининг муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг кейинги иш қунидан кечикмай ҳокимлик қарз олувчининг қарздорлиги суммасини Жамғармадаги маблағлар ҳисобига ҳар бир қарз олувчи учун банкда алоҳида очиладиган 29801 (Мижозлар билан ҳисоб-китоблар) ҳисобварағига ўтказди.

29801 ҳисобварағига келиб тушган маблағлардан фақат қарз олувчиларнинг кредитлари ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликни қайтариш учун фойдаланилади.

25. Ҳокимликларнинг қарз олувчи томонидан жалб этилган кредит бўйича қарз олувчининг муддати ўтказиб юборилган қарздорлигини қайтаришга йўналтирилган Жамғарма маблағлари кўрсатиб ўтилган қарз олувчига тегишли бўлган мол-мулк ёки бошқа ҳеч қандай манба ҳисобидан қопланмайди.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

26. Ҳокимликларнинг кафиллиги остида ажратилган ипотека кредитларидан мақсадли фойдаланиш ва уларни ўз вақтида қайтаришнинг ҳисобини юритиш ва мониторинг олиб бориш ҳокимликларнинг молия бўлимлари томонидан маълумотларни мунтазам равишда солиштириш орқали банклар билан биргаликда амалга оширилади.

27. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасининг ҳудудий бошқармалари ҳар чорак яқунлари бўйича кафилликлар берилишининг тўғрилигини текширади ҳамда ҳокимликларининг кафиллиги остида ажратилган ипотека кредитларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан назорат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**438** Иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сон Фармонига мувофиқ 2023 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

иш берувчиларга 25 ёшдан ошмаган ходимлари учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини маълум бир давр учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартиби;

иш берувчига Давлат солиқ қўмитаси томонидан ижтимоий солиқ суммасини тўлаб бериш ёки тўлаб беришни рад этиш асослари;

иш берувчи томонидан имтиёздан фойдаланиш учун топшириладиган солиқ ҳисоботлари;

Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қоплаб бериладиган маблағларни иш берувчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб бериш тартиби.

3. Иш берувчиларга ижтимоий солиқ суммасининг қоплаб берилиши 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратиладиган трансфертлар ҳисобидан амалга оширилади.

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 24 июлда эълон қилинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йил ва 2023 йил учун Давлат бюджетини шакллантиришда ижтимоий солиқ ҳисоботи ортиб боровчи яқун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-насидан кечиктирмасдан топширилишини инобатга олиб, 2022 йил ва 2023 йилнинг I чорагида иш берувчиларга ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш харажатларини алоҳида қаторда режалаштиришни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси иш берувчиларга қоплаб бериладиган ижтимоий солиқ суммаси тўғри ҳисобланиши устидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ солиқ назоратини амалга оширсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 24 июль,  
460-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 24 июлдаги 460-сон қарорига  
ИЛОВА

**Иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган  
ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат  
бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Вақтинчалик низом (кейинги ўринларда — Низом) иш берувчиларга улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар (кейинги ўринларда — ёш ходимлар) учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**автоматлаштирилган дастур** — иш берувчиларга улар томонидан ёш ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш ёки қоплаб беришни рад этиш асосларини текширадиган, Молия вазирлиги Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимига (кейинги ўринларда —

ДМБАТ) интеграция қилинган Давлат солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган дастури;

**иш берувчининг аризаси** — иш берувчининг ижтимоий солиқ суммаси кўрсатилган, Солиқ органларининг электрон давлат хизматлари порталидаги ([my.soliq.uz](http://my.soliq.uz)) солиқ тўловчининг шахсий кабинети (кейинги ўринларда — солиқ тўловчининг шахсий кабинети) орқали ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган намунага мувофиқ аризаси.

4. Ижтимоий солиқ ҳисоботи ортиб боровчи яқун билан ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан топширилишини инobatга олиб, ушбу Низом 2021 йил 1 майдан 2023 йил 15 январга қадар тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан қоплаб беришга нисбатан татбиқ этилади. Бунда, 2022 йил декабрь ойи учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш учун иш берувчи томонидан ариза беришнинг охириги муддати 2023 йил 1 апрель куни этиб белгиланади.

5. Иш берувчиларга нисбатан улар томонидан тўланган ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш шаклидаги қўллаб-қувватлаш чораси қўлланилиши учун уларнинг ёш ходимлари қуйидаги талабларга мос келиши шарт: ижтимоий солиқ суммаси қоплаб берилиши сўралаётган ҳисобот ойда ёш ходим 25 ёшдан ошмаган бўлиши;

узлуксиз 6 ой давомида меҳнат фаолиятини амалга оширган ҳамда иш берувчи томонидан белгиланган тартибда ижтимоий солиқ узлуксиз тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (электрон қайд) мавжудлиги;

Иш берувчининг аризасини ушбу бандда назарда тутилган талаблардан бошқа асосларга кўра рад этиш тақиқланади.

6. Иш берувчиларга улар томонидан ёш ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммасини Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб бериш ушбу Низомга 2-иловада\* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Иш берувчи томонидан ариза тақдим этиш ҳамда уни кўриб чиқиш тартиби**

7. Иш берувчи томонидан ариза у солиқ тўловчи сифатида рўйхатда турган солиқ органига (кейинги ўринларда — солиқ органи) ижтимоий солиқ ҳисоботи тақдим этилганидан кейин 3 ойдан кечиктирмасдан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали тақдим этилади.

8. Иш берувчининг аризаси келиб тушган санадан бошлаб 5 иш куни мобайнида солиқ органи томонидан автоматлаштирилган дастур ёрдамида аризининг ушбу Низом талабларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ўрганилади. Бунда, иш берувчининг аризасидаги маълумотлар ва тўланган ижтимоий солиқ суммаси қоплаб берилиши сўралаётган ҳисобот ойдаги ҳисобот маълумотлари ўртасида фарқ аниқланса, солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига иш берувчининг аризаси кўрилмасдан қолдирилганлиги ҳақида хабар юборилади.

---

\* 1-2-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Тўланган ижтимоий солиқ суммасини қоплаб бериш тўғрисида қарор қабул қилинганда, автоматлаштирилган дастурда 1 иш кунда солиқ органининг хулосаси шакллантирилади, шаклланган хулоса билан иш берувчининг аризаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига (кейинги ўринларда — Ғазначилик) юборилади ҳамда бу ҳақда иш берувчи солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали хабардор қилинади.

10. Солиқ органи тўланган ижтимоий солиқ суммасини қоплаб беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилганда, ушбу қарор автоматлаштирилган дастур орқали солиқ тўловчининг шахсий кабинетига ижтимоий солиқ суммасини қоплаб беришни рад этишнинг сабаблари асослантирилган ҳолда юборилади.

11. Иш берувчи ижтимоий солиқ суммасини қоплаб беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақли.

12. Иш берувчининг аризаси келиб тушганда, унинг солиқлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлса, ижтимоий солиқ суммаси мавжуд қарздорликлар тўлалигича бартараф этилгандан сўнг ушбу Низом талаблари доирасида қоплаб берилади.

### **3-боб. Ижтимоий солиқ суммасини иш берувчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб бериш тартиби**

13. Ғазначилик автоматлаштирилган дастур орқали ДМБАТга келиб тушган ҳужжатларни 3 иш кунни давомида кўриб чиқади ва қоплаб бериладиган ижтимоий солиқ суммасини иш берувчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб беради.

14. Ғазначилик иш берувчининг банкдаги ҳисобварағига ўтказиб берилган ижтимоий солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотларни ДМБАТ орқали автоматлаштирилган дастурга юборади.

### **4-боб. Ҳисоб ва ҳисоботни юритиш тартиби**

15. Солиқ органи иш берувчиларга Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилган ижтимоий солиқ суммасининг ҳисоби ва ҳисоботини юритади.

16. Иш берувчиларга Давлат бюджетидан тўлиқ қоплаб берилган ижтимоий солиқ суммасига доир чораклик ҳисоботи Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар чоракда ҳисобот давридани кейинги ойнанинг 25-санасига қадар Молия вазирлигига киритиб борилади.

17. Иш берувчи томонидан қайта ҳисобот бериш орқали умумий иш ҳақи фонди доирасида ходимларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар қайта тақсимланган тақдирда, қоплаб берилган ижтимоий солиқ суммаси иш берувчи ёки солиқ органининг ташаббусига кўра ўзаро қайта ҳисоб-китоб қилинади.

**5-боб. Яқунловчи қоидалар**

18. Ушбу Низом 2023 йил 1 январга қадар амал қилади.

19. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ****439 Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимча-  
лар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-6*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сон қарори (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 133-модда) билан тасдиқланган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 21 июнь,  
01-02/15-35-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил  
21 июндаги 01-02/15-35-сон қарорига  
ИЛОВА

**Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби  
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 22-бандда:

а) 2-кичик банднинг ўттиз иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг юкни жўнатувчининг СТИРи (жисмоний шахс бўлса, унга тегишли жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (бундан буён матнда ЖШШИР деб юритилади), жўнатувчи номидан унинг таркибий тузилмаси иштирок этаётган ҳолатларда таркибий тузилманинг СТИРи, сўнгра «/» белгисидан кейин юридик манзили (жисмоний шахснинг доимий яшаш манзили) бўйича туман (шаҳар) коди мазкур Йўриқноманинг 15-илоvasида келтирилган Ўзбекистон Республикасининг туман ва шаҳарлари таснифлагичига мувофиқ кўрсатилади. СТИР ёки ЖШШИРга эга бўлмаган шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда «999999999» коди кўрсатилади.»;

б) 7-кичик банднинг ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахснинг СТИРи (жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи), сўнгра «/» белгисидан кейин унинг юридик манзили (жисмоний шахснинг доимий яшаш манзили) бўйича туман (шаҳар) коди мазкур Йўриқноманинг 15-илоvasида келтирилган Ўзбекистон Республикасининг туман ва шаҳарлари таснифлагичига мувофиқ кўрсатилади. СТИР ёки ЖШШИРга эга бўлмаган шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда «999999999» коди кўрсатилади.»;

в) 11-кичик банднинг учинчи хатбошиси «СТИРи» деган сўздан кейин «(жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 23-кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1 — тўловчининг СТИРи (жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи)/банк СТИРи (божхона тўловлари Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланганда божхона брокери ёки декларантнинг СТИРи (жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи) кўрсатилади);»;

д) 26-кичик банднинг ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилари «СТИРи» деган сўздан кейин «(жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

е) 43-кичик бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилганда, графада бундай тўловларни тўлашнинг сўнгги муддати божхона тўловлари турлари кесимида қуйидаги схема бўйича кўрсатилади:

XX.KK.OO.IYYЙ, бунда:»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«XX — Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ божхона тўлови турининг коди;»;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилган божхона тўловларининг турлари бир нечта бўлса, ҳар бир маълумот алоҳида янги қаторда кўрсатилади;»;

ж) 45-кичик бандда:

учинчи хатбошидаги «СТИРи» деган сўз «ЖШШИРи» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар шахс ЖШШИРи мавжуд бўлмаган норезидент бўлса, у ҳолда шахснинг ЖШШИРи қайд этиладиган жойда «99999999999999» коди кўрсатилади.»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

з) 46-кичик бандда:

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«99999999999999/99.99.9999/999999, бунда:»;

ўнинчи хатбошидаги «СТИРи» деган сўз «ЖШШИРи» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 25-бандда:

а) 6-кичик банднинг ўттиз биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг юкни қабул қилувчининг СТИРи, юкни қабул қилувчи номидан унинг таркибий тузилмаси иштирок этаётган ҳолатларда таркибий тузилманинг СТИРи (жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи), сўнгра «/» белгисидан кейин юридик манзили (жисмоний шахснинг доимий яшаш манзили) бўйича туман (шаҳар) коди мазкур Йўриқноманинг 15-иловасида келтирилган Ўзбекистон Республикасининг туман ва шаҳарлари таснифлагичига мувофиқ кўрсатилади. СТИР ёки ЖШШИРга эга бўлмаган шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларни декларациялашда «999999999» коди кўрсатилади.»;

б) 7-кичик банднинг ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг пастки қисмида «№» белгисидан сўнг молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахснинг СТИРи (жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи), сўнгра «/» белгисидан кейин унинг юридик манзили (жисмо-

ний шахсининг доимий яшаш манзили) бўйича туман (шаҳар) коди мазкур Йўриқноманинг 15-илувасида келтирилган Ўзбекистон Республикасининг туман ва шаҳарлари таснифлагичига мувофиқ кўрсатилади. СТИР ёки ЖШШИРга эга бўлмаган шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда «999999999» коди кўрсатилади.»;

в) 11-кичик банднинг учинчи хатбошиси «СТИРи» деган сўздан кейин «(жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 23-кичик банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1 — тўловчининг СТИРи (жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи) / банк СТИРи (божхона тўловлари Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланганда божхона брокери ёки декларантнинг СТИРи (жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи) кўрсатилади);»;

д) 26-кичик бандда:

йигирманчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6 рақами остида (электрон БЮДда алоҳида аниқлаштирилган жадвалда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 833-сон «Айрим турдаги махсулотларни мажбурий рақамли маркировка калаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ алкоголь ва тамаки махсулотлари учун берилган агрегацияланган божхона коди кўрсатилади.»;

ўттиз саккизинчи ва ўттиз тўққизинчи хатбошилар «СТИРи» деган сўздан кейин «(жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

е) 43-кичик бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилганда, графада бундай тўловларни тўлашнинг сўнгги муддати божхона тўловлари турлари кесимида қуйидаги схема бўйича кўрсатилади:

ХХ.КК.ОО.ЙЙЙЙ, бунда:»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ХХ — Божхона тўловлари таснифлагичига мувофиқ божхона тўлови турининг коди;»;

тўртинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилган божхона тўловларининг турлари бир нечта бўлса, ҳар бир маълумот алоҳида янги қаторда кўрсатилади;»;

ж) 45-кичик бандда:

учинчи хатбошидаги «СТИРи» деган сўз «ЖШШИРи» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар шахс

ЖШШИРи мавжуд бўлмаган норезидент бўлса, у ҳолда шахснинг ЖШШИРи қайд этиладиган жойда «99999999999999» коди кўрсатилади.»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

з) 46-кичик бандда:

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«99999999999999/99.99.9999/999999, бунда:»;

ўнинчи хатбошидаги «СТИРи» деган сўз «ЖШШИРи» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 31-банднинг 1-кичик банди қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Графада қўшимча равишда товарларни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун ички божхона органига етказиб бериш учун асос бўлган етказиб беришни назорат қилиш ҳужжатлари (юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси, МДП китобчаси) ҳақидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:

етказиб беришни назорат қилиш ҳужжатининг коди: юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси учун — ККДГ, МДП китобчаси учун — МДП;

етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжат рақами (99999/99.99.9999/ИМ999999 — пост коди/сана/юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси рақами, 99999/99.99.9999/ЗХ99999999 — пост коди/сана/МДП китобчаси рақами). Бунда, юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси рақамидаги ҳарфлар кирилл алифбоси ҳарфларида, МДП китобчаси рақамидаги ҳарфлар эса латин алифбосида ёзилиши шарт;

етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган товарнинг, расмийлаштириладиган брутто вазни (килограммда).

Масалан:

ККДГ 06006/31.03.2012/ИМ003761 — 15000 кг;

МДП 27002/01.01.2014/ХУ00156239 — 19456 кг.

Агар товар бир нечта етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжатлардан расмийлаштириладиган бўлса, ҳар бир маълумот алоҳида янги қатордан юқорида қайд этилган тартибда кўрсатилади.

Товарларда ички божхона органига етказиб бериш учун асос бўладиган етказиб беришни назорат қилиш ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда графада қўшимча равишда ушбу ҳужжат ҳақида маълумот кўрсатилиши талаб этилмайди.».

4. 73-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«73. БЮДнинг 40, 42, 45, 46 ва 47-графаларининг тўлдирилиши қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:»;

1-кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) 40-графа. «Умумий декларация/аввалги ҳужжат».

Графада мазкур Йўриқноманинг 25-бандида белгиланган тартибда товарлар баён этиладиган божхона режимидан аввал бошқа божхона режими-

мига жойлаштиришга асос бўлган БЮД тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Графада қўшимча равишда товарларни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун ички божхона органига етказиб бериш учун асос бўлган етказиб беришни назорат қилиш ҳужжатлари (юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси, МДП китобчаси) ҳақидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

етказиб беришни назорат қилиш ҳужжатининг коди: юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси учун — ККДГ, МДП китобчаси учун — МДП;

етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжат рақами (99999/99.99.9999/ИМ999999 — пост коди/сана/юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси рақами, 99999/99.99.9999/ZX99999999 — пост коди/сана/МДП китобчаси рақами). Бунда, юкни етказиб беришни назорат қилиш китобчаси рақамидаги ҳарфлар кирилл алифбоси ҳарфларида, МДП китобчаси рақамидаги ҳарфлар эса латин алифбосида ёзилиши шарт;

етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган товарнинг, расмийлаштирилаётган брутто вазни (килограммда).

Масалан:

ККДГ 06006/31.03.2012/ИМ003761 — 15000 кг;

МДП 27002/01.01.2014/ХУ00156239 — 19456 кг.

Агар товар бир нечта етказиб беришни назорат қилиш тўғрисидаги ҳужжатлардан расмийлаштирилаётган бўлса, ҳар бир маълумот алоҳида янги қатордан юқорида қайд этилган тартибда кўрсатилади.

Товарларда ички божхона органига етказиб бериш учун асос бўладиган етказиб беришни назорат қилиш ҳужжатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда графада қўшимча равишда ушбу ҳужжат ҳақида маълумот кўрсатилиши талаб этилмайди;»;

қуйидаги мазмундаги 1<sup>1</sup>-кичик банд билан тўлдирилсин:

«1<sup>1</sup>) 42-графа. «Товарнинг фактура қиймати».

Графада ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида декларацияланаётган товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати кўрсатилади.

Беғараз асосда қайта ишлашда графада «0» кўрсатилади.

Товарни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиймати математик қоидаларга кўра вергулдан кейинги икки белгигача аниқликда яхлитланади;».

5. 88-бандда:

а) 9-кичик банднинг учинчи хатбошиси «СТИРи» деган сўздан кейин «(жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

б) 21-кичик банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1 — декларант ёки божхона брокерининг СТИРи (жисмоний шахс бўлса, ЖШШИРи)/банк СТИРи;»;

в) 35-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35) 50-графа. «Ишонч билдирган шахс».

Графада қуйидаги мазмундаги ёзув ёзилади:

«Такдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар .....» деб ёзилгандан сўнг БЮДни тўлдиришга асос бўлиб хизмат қилувчи такдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларга жавобгар ҳисобланган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, телефон рақами (мавжуд бўлса) ва ЖШШИРи (электрон БЮДда алоҳида майдонда) кўрсатилади (қоғоз шаклдаги БЮДда унинг шахсий имзоси қўйилади).

Такдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар шахс ЖШШИРи мавжуд бўлмаган норезидент бўлса, у ҳолда шахснинг ЖШШИРи қайд этиладиган жойда «99999999999999» коди кўрсатилади.

Такдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар этиб декларант ёки у ишонч билдирган шахс белгиланади.

Агар такдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар декларант ишонч билдирган шахс бўлса, унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатнинг (шартноманинг, ишончноманинг) рақами, санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади;»;

г) 37-кичик бандда:

саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«99999999999999/99.99.9999/999999, бунда:»;

ўнинчи хатбошидаги «СТИРи» деган сўз «ЖШШИРи» деган сўз билан алмаштирилсин.

6. 88<sup>2</sup>-банднинг 2-кичик бандида:

учинчи хатбошидаги «СТИРи» деган сўз «ЖШШИРи» деган сўз билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Такдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар учун жавобгар шахс ЖШШИРи мавжуд бўлмаган норезидент бўлса, у ҳолда шахснинг ЖШШИРи қайд этиладиган жойда «99999999999999» коди кўрсатилади.»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

7. 12-иловада:

а) қўйидаги мазмундаги 38<sup>4</sup> — 38<sup>9</sup>-позициялар билан тўлдирилсин:

«

38 <sup>4</sup> .	Фуқаровий ва хизмат қуролини ҳамда унинг ўқ-дориларини олиш, реализация қилиш, олиб кириш ёки олиб чиқиш, транзит қилиш, сақлаш, олиб юриш, ташиш, қурол ва унинг ўқ-дориларини коллекциялаш, кўргазмага қўйиш учун рухсатнома	425	КУР
38 <sup>5</sup> .	Ветеринария рухсатномаси	426	ВТРР
38 <sup>6</sup> .	Экспорт назорати объектларини экспорт қилиш учун рухсатнома	427	ЭНО
38 <sup>7</sup> .	Маданий бойликларни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ёки вақтинча олиб чиқиш ҳуқуқи тўғрисидаги сертификат	428	МБР
38 <sup>8</sup> .	Қурол-яроғ, ҳарбий техника ва ҳарбий мол-мулк, шунингдек ҳарбий таркибларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзитига рухсатнома	429	ХХЮ
38 <sup>9</sup> .	Техник қўмакка тегишлилиги тўғрисида хулоса	430	ТҚР

»;

б) 69<sup>7</sup>-позиция қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«

69 <sup>7</sup> .	Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг ижобий хулосаси рақами ва санаси, декларацияланаётган товарнинг хулосадаги тартиб рақами ҳамда товарнинг миқдори ва ўлчов бирлиги****	857	ЗМЭП
-------------------	--	-----	------

»;

в) қуйидаги мазмундаги 69<sup>10</sup> — 69<sup>13</sup>-позициялар билан тўлдирилсин:

«

69 <sup>10</sup> .	Божхона тўловларини кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлаш юзасидан божхона органининг қарори бўйича тақдим этилган хужжат рақами ва санаси	860	ПУГТК
69 <sup>11</sup> .	Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар импорти учун буюртманома рақами ва санаси	861	ЗАМ
69 <sup>12</sup> .	Товарларни таснифлаш бўйича дастлабки қарор	862	ДК
69 <sup>13</sup> .	Чекланган нархлар реестрида импорт дори воситалари учун берилган тартиб рақам (ID рақами)*****	863	РЕФ

»;

г) қуйидаги мазмундаги 76 ва 77-позициялари билан тўлдирилсин:

«

76.	Баҳоланаётган товарни етказиб берилишига алоқадор бўлган учинчи шахслар билан контрактлар	906	КНТП
77.	Баҳоланаётган товар Ўзбекистон Республикасига реэкспорт қилинаётган ҳолларда, эркин муомалага чиқариш божхона режимида расмийлаштирилган божхона декларацияси	907	ГТДО

»;

д) изоҳда:

иккинчи хатбошидан «Изоҳ:» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«\*\*\*\* товарнинг миқдорини кўрсатишида хулосадаги товарнинг БЮД билан расмийлаштирилаётган миқдори, ўлчов бирлигини кўрсатишида хулосада кўрсатилган ўлчов бирлиги қайд этилади. Ўлчов бирлиги хулосада қайд этилгандек кўрсатилиши лозим.

Масалан: «кг»; «шт»; «м<sup>2</sup>» ва бошқалар.

\*\*\*\*\* Референт нарх шакллантириш тизими доирасида дори воситалари нархларини қайд этиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3242, 2020 йил 10 июнь) асосида жорий этилган чекланган нархлар реестрида декларацияланаётган дори воситаси учун берилган тартиб рақам (ID рақами) кўрсатилади.»

8. 13-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига\* мувофиқ тахрирда баён этилсин.

9. 15-илова қуйидаги мазмундаги 148<sup>1</sup>-позиция билан тўлдирилсин:

«

148 <sup>1</sup> . Янгиҳаёт тумани	1726292
------------------------------------	---------

».

10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Келишилди:*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

*А. ИКРАМОВ*

*2021 йил 9 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**440** Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил  
23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1989-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 январдаги 4-сон «Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 16 июндаги 07-125-сон, 64-сон қаро-

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

\*\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 июлда эълон қилинган.

ри (рўйхат раками 1989, 2009 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й, 30-31-сон, 354-модда) билан тасдиқланган Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Уй-жой коммунал хизмат  
кўрсатиш вазири**

**Ш. ХИДОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 19 июль,  
179-сон

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 19 июль,  
41-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги  
ва Молия вазирлигининг 2021 йил  
19 июлдаги 179-сон ва 41-сон қарорига  
ИЛОВА

**Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари  
ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги  
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 15-бандда:  
тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;  
олтинчи ва ўнинчи хатбошилар тўртинчи ва саккизинчи хатбошилар  
деб ҳисоблансин.
2. 16-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«қаттиқ майший чиқиндиларни вақтинчалик пунктларга йиғиш».
3. 19-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
4. 2-илованинг 1-жадвали мазкур ўзгартиришларнинг 1-иловасига\* му-  
вофиқ таҳрирда баён этилсин.
5. 4-илованинг жадвали мазкур ўзгартиришларнинг 2-иловасига\* муво-  
фиқ таҳрирда баён этилсин.
6. 5-илова мазкур ўзгартиришларнинг 3-иловасига\* мувофиқ таҳрирда  
баён этилсин.

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

*Келишилди:*

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Н. ХУСАНОВ*

*2021 йил 5 июль*

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги**  
**маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 21 июндаги 01-02/15-35-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги қарори.

*2021 йил 19 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-6.*

2. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2021 йил 19 июлдаги 179-сон ва 41-сон «Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёрланган сонини белгилаш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

*2021 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1989-2.*

